

Р.Т.Норчашев.

# РАНГТАСВИР



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ**

**КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ  
МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

**Р.Т.НОРЧАЕВ**

## **РАНГТАСВИР**

**фанидан**

**ўкув қўлланма**

Қайта ишланган ва тўлдирилган нашри

**5150900 - Дизайн: таълим йўналиши**

**(I босқич талабалари учун)**

**Тошкент - 2021**

**УЎК 75  
КБК 85.14  
Н 82**

**Норчаев Р.Т.**

Рангтасвир фанидан ўкув қўлланма. / Р.Т. Норчаев.  
– Тошкент. «LESSON PRESS» нашриёти 2021. – 93 б.

**Тақризчилар:**

**С.А.Абдуллаев,**

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби,  
Ўзбекистон Бадиий Академияси академиги, профессор:*

**Ў.Н.Нуртаев,**

*Тошкент архитектура-қурилиши касб-ҳунар коллежи  
директори, п.ф.н., доцент.*

**Илмий мухаррир:**

**Р.А.Худойберганов,**

*Ўзбекистон ҳалқ рассоми, профессор*

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг  
2020 йил 28 декабрдаги 676-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

**ISBN 978-9943-6938-5-1**

© Р.Т. Норчаев, 2021 й.  
© «LESSON PRESS» нашриёти, 2021 й.

## **Аннотация**

Ушбу ўқув қўлланма олий ўқув юртининг Дизайн таълим йуналишидаги талабалари учун яратилган бўлиб, тасвирий санъатнинг асоси хисобланган ҳолда рангтасвир бўйича амалий машғулотлар мазмуни ёритилган.

Ўқув қўлланманинг асосий вазифаси талабаларнинг рангтасвир сирларини ўзлаштириш, мустакил фикрлаш ва ижодий фаолиятини ривожлантиришга ёрдам беради.

Мазкур қўлланма рангтасвир фанидан яратилган дастур асосида тузилган бўлиб, иллюстрациялар билан бойитилган. Олий ўқув юртлари учун мўлжалланган ушбу қўлланмадан шу соҳага алоқадор мутахассислар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 07.12.2020 йил 648-сонли буйруғига асосан нашриётларда нашр этишга тавсия этилди.

## **Аннотация**

Данное пособие создано для студентов высшего учебного заведения по направлению Дизайн-образование, освещено содержание практических занятий по живописи, являющейся основой изобразительного искусства.

Основная задача учебного пособия - помочь студентам развить самостоятельное мышление и творческую деятельность, овладеть секретами живописи.

Данное пособие основано на программе, созданной на тему живописи и обогащенной иллюстрациями. Данное пособие, предназначенное для вузов, также может быть использовано специалистами, имеющими отношение к данной области.

## **Annotation**

This manual was created for students of higher educational institutions in the direction of Design education, covers the content of practical classes on painting, which is the basis of fine art.

The main task of the textbook is to help students develop independent thinking and creative activity, to master the secrets of painting.

This manual is based on a program created on the theme of painting and enriched with illustrations. This manual, intended for universities, can also be used by specialists related to this field.

## МУНДАРИЖА

|  |    |
|--|----|
| Кириш  | 7  |
| <b>I БОБ. РАНГТАСВИР ФАНИНИ ЎҚИТИШ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ</b>  | 10 |
| 1.1. Рангтасвир  | 11 |
| 1.2. Рангтасвир фани ўқитилишининг асосий қонун-қоидалари  | 17 |
| <b>II БОБ. АШЁЛАР</b>  |    |
| 2.1. Қоғоз   | 21 |
| 2.2. Бўёклар   | 22 |
| 2.3. Акварель  | 23 |
| 2.4. Гуашь   | 24 |
| 2.5. Муйқалам  | 26 |
| 2.6. Планшет   | 28 |
| <b>III БОБ. I-СЕМЕСТР</b>  |    |
| 3.1. Натюрморт. Гипсдан ишланган ўсимлик шаклларининг бир қисми (роузетка) иштирокида натюрморт гризайль усулида | 31 |
| 3.2. Куз инъомларидан тузилган натюрморт   | 36 |
| <b>IV.БОБ 2-СЕМЕСТР</b>  |    |
| 4.1. Хона интерьерида букламалардан тузилган натюрморт   | 41 |
| 4.2. Декоратив йўналишидаги баҳор гулларидан тузилган натюрморт  | 47 |
| 4.3. Архитектура ёдгорликларининг бир қисми иштирокида тузилган натюрморт  | 53 |
| Хулоса   | 56 |
| Тасвирий санъат атамаларининг изохли лугати  | 66 |
| Адабиётлар рўйхати   | 87 |

## СОДЕРЖАНИЕ

|   |    |
|---|----|
| Введение  | 7  |
| <b>I ГЛАВА. ЦЕЛИ И ЗАДАЧИ ОБУЧЕНИЯ ЖИВОПИСИ НАУКИ</b>                               | 10 |
| 1.1. Живопись   | 11 |
| 1.2. Основные законы и правила преподавания науки живописи                          | 17 |
| <b>II ГЛАВА. МАТЕРИАЛЫ</b>  |    |
| 2.1. Бумага   | 21 |
| 2.2. Краски   | 22 |
| 2.3. Акварель   | 23 |
| 2.4. Гуашь  | 24 |
| 2.5. Кисти  | 26 |
| 2.6. Планшет  | 28 |
| <b>III ГЛАВА. I-СЕМЕСТР</b>   |    |
| 3.1. Натюрморт. Натюрморт гризли с участием части гипсовой формы расгений (розетка) | 31 |

|   |    |
|---|----|
| 3.2. Натюрморт из осенних даров .....                                     | 36 |
| <b>IV ГЛАВА. 2- СЕМЕСТР</b>   |    |
| 4.1. Натюрморт из листовок в интерьере комнаты .....                      | 41 |
| 4.2. Натюрморт из весенних цветов в декоративном направлении.....         | 47 |
| 4.3. Построен при участии части памятников архитектуры<br>натюрморта..... | 53 |
| Вывод .....   | 56 |
| Толковый словарь терминов изобразительного искусства.....                 | 66 |
| Список литературы .....   | 87 |

## CONTENT

|   |    |
|---|----|
| <b>Introduction .....</b>   | 7  |
| <b>Chapter i. Goals and objectives of teaching painting science.....</b>                              | 10 |
| 1.1. Painting .....   | 11 |
| 1.2. Basic laws and rules of teaching the science of painting .....                                   | 17 |
| <b>CHAPTER II. MATERIALS</b>  |    |
| 2.1. Paper .....  | 21 |
| 2.2. Paints.....  | 22 |
| 2.3. Watercolor.....  | 23 |
| 2.4. Gouache .....  | 24 |
| 2.5. Brushes .....  | 26 |
| 2.6. Planchet.....  | 28 |
| <b>CHAPTER III. 1st SEMESTER.</b>   |    |
| 3.1. Still-life. Still life of a grizzly with a part of the plaster form of plants<br>(rosette) ..... | 31 |
| 3.2. Still life from autumn gifts .....   | 36 |
| <b>Chapter iv. 2 st semester.</b>   |    |
| 4.1. Still life of leaflets in the interior of the room.....  | 41 |
| 4.2. Still life of spring flowers in the decorative direction .....                                   | 47 |
| 4.3. Built with the participation of part of the architectural monuments of still<br>life .....       | 53 |
| Conclusion .....  | 56 |
| Explanatory dictionary of fine art terms .....  | 66 |
| List of references .....  | 87 |

## КИРИШ

Хозирда Ўзбекистон кундан-кунга янгиланиб, буюк қурилишлар майдонига айланыб бормоқда. Юртимизнинг қайси гўшасига борманг, ҳар ерда, ҳар соҳада катта ислоҳотлар олиб борилаётганининг гувоҳи бўласиз. Мухтарам Президентимиз Ш. М. Мирзиёев халқни бўлаётган ислоҳотларга ишонтира олиш, рози қилиш, уларнинг турмуш шароитларини кўтариш, илмни, фанни, санъат ва маданиятни юксак даражага олиб чиқиш борасида садоқат билан меҳнат қилиш лозимлигини бот-бот такрорламоқдалар. Айниқса, олий таълим тизимида бўлаётган ислоҳотлар ҳам дикқатга сазовордир. Мамлакатимизда илм-фанни ривожлантиришга бўлган эътибор эса тобора ортиб бормоқда. Олий таълим муассасаларида ёшларга чуқур замонавий билим бериш, уларни халқаро миқёсда рақобат бардош кадр бўлиб етишишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, бунинг учун эса олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар ҳам ўз устида тинимсиз ишлашлари, изланишлари зарур масалалардан бири эканлиги таъкидланиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда ПФ-4947 фармони билан қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг устувор йўналишларини қамраб олган. Харакатлар стратегияси, мамлакатимизда, маънавий ҳаётимизда мухим воқеа бўлган, таълимтарбия сифати ва даражасини янги босқичга кўтариш бўйича мухим ишлар амалга оширилаётганлигини алоҳида қайд этиш зарур.

2017 йилнинг 3 август куни “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш –халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” –Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маъруzasида ифода этилганидек, –“... адабиёт ва санъатта, маданиятга эътибор –бу аввало халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, "...адабиёт, маданият яшаса, миллат яшashi..." мумкинлигини унтишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ. Лекин табиий бир савол тўғилади. Мамла-катимизда олиб борилаётган бугунги кенг кўламли ислоҳотлар, янгиланиш ва ўзгаришлар жараённида ижодкор зиёлиларимизнинг ўрни ва ҳиссаси қандай бўлмоқда? Юксак идеаллар йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, ўзлигимизни

англаш, ғурур ва ифтихор, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш учун бел боғлаб майдонга чиқиши – сиз, ижод аҳлига хос эзгу фазилат эканини ҳаммамиз яхши биламиш ва буни юксак қадрлаймиз".<sup>1</sup> Буюк келажак тақдири, озод ва обод жамият қурилиши үзимизнинг қўлимида эканлиги, бу мақсад барчамизнинг маънавий ўлчовимиз, шахсий ва ижтимоий мўлжалимизга айланиши бутунги кун талабидир.

Республикамизда бадиий таълим ислоҳотларини янада чукӯрлаштириш, соҳалари бўйича малакали мутахассис қадрлар тайёрлаш борасида, уларнинг касбий хусусиятларини ривожлантирувчи, шунингдек, иктидорли, ижодкор мутахассис қўниқмаларини үзида намоён этувчи ва соҳага қизиқиши уйғота олувчи йўналишини топишда, айниқса, бадиий асарлар яратиш, ундаги чизмаларнинг аниқлиги, асарнинг мазмун ва моҳияти жиҳатидан зарур бўлиб малакали қадрлами тайёлаш учун фан сифатида зарурат жуда каттадир.

Рангтасвир чизматасвир фани каби мутахассислик соҳаси бўлиб, дизайнер рассомлар ижодида ҳам муҳим фанлардан бири хисобланиб келинган. Рангтасвир фанини талабаларга ўқитиши ва чиздиришдан асосий мақсад, талабаларда табиатдаги мавжуд рангларни кўра билиш, уни қофозга ёки матога образли, яъни борлиқни ва нарсаларни рангда тасвирлаб беришни тушунган ҳолда акс эттириш қўниқмасини ҳосил қилишdir.

Рангтасвир асарларини бўёкларда (мойбўёқ, сувбўёқ, елимли гуринтланган бузга, деворга (штукатурка) қофозга, картонга, сополга ва ҳоказолар юзасига ишлаш мумкин.

Расм чизишда унинг методикаси, бу предметнинг назариясиии ўқитиши услуби масалаларига алоҳида эътибор берилади. У бир неча босқичли расмлар чизишдаги кетма-кетлик тизимини, ўкув хонасида ёки очиқ ҳавода (плэнерда) этюдлар ишлаш, мустақил равища берилган мавзулар асосида композициялар чизиш, ранг масалалари билан қандай шуғулланиш кабиларни ўз ичига олади. Бу эса тасвирий санъат бўйича касбий тайёргарликка эга бўлишига, теварак-атрофдаги нарсалар ва ҳодисаларнинг рангдаги турли-туманликларини кўра билишга замин яратади.

<sup>1</sup> Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириши –халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам ийтихомидир" –Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ижодкор тиёлилари вакилини билан учрашувдаги маъруzasи. Халқ сўзи. 2017 йил 4 август

Санъат - инсонларнинг ички кечинмасини намоён этади. У макон ва замонда акс этади. Маконли санъат бу ҳис-туйгуларни тасвирида акс эттириш ҳисбланади. Тасвирий санъатда кўплаб тур ва жанрлар даврлар ўтиши билан ўз мавқеий ва ўрнига эга бўла бошлади.

Ўзбекистон тасвирий санъати жаҳон ҳамжамиятида содир бўлаётган жараёнлар билан ҳамнафас бўлиб, ҳар бир ижодкор ўз қараш ва кечинмаларини янгича услугуб ва шаклларда ифода этишга интилиш билан характерланади. Ўзбекистонда янги маънавий ғоявий йўналишларнинг шаклланиши ўз навбатида, замонавий санъатнинг барча соҳаларига самарали таъсир этиб, ижодий изланишлар доирасини кенгайтириб, бадиий тафаккур ривожини янада жадаллаштириди.

Санъат тарбиянинг кучли воситаси бўлиб, инсонларни илфор қарашлар билан қуроллантиришда ва фикрларини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди.

Рангтасвир фани Дизайн таълим йўналишлари учун асосий вазифасини ўтаб, талабаларга бадиий дидларини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Дизайн таълим йўналишларида таълим олаётган талабалар биринчи навбатда мутахассислигидан қатъий назар, табиатдаги шакл-шамоилни ва ундаги такрор-ланнмас рангларни кузатиб бориши лозим. Бу кузатувни ривожлантириш учун "Рангтасвир" фани жуда ҳам муҳим роль ўйнайди. Бу эса бўлажак рассомларнинг бадиий қарашини ва кузатувларини ривожлантиради.

## I БОБ. РАНГТАСВИР ФАНИНИ ҮҚИТИШНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Рангтасвир фанининг ўргатишдан мақсад, талабани табиатдаги, реал ижтимоий борлиқдаги мавжуд рангларни ҳис қилиши, ундаги жилонинг қанчалик жушқин, сокин, ёрқин, қарама-қаршилигини ҳис этиш ва ўзига хос уйғулугини ўрганишдан иборат. Ёш авлодда нафақат назарий билимларни эгаллаш, балки уларни амалиётда қўллай олиш кўнікмаларини шакллантириш ва такомиллаштиришни ҳам тақозо этади. Талабаларни ижтимоий маданий, маънавий-маърифий аҳамиятга молик бўлган майший ҳаётга кенг татбик этилган гўзал хунарларидан бири, тасвирий санъатдаги рангтасвирни ўргатиш ўрни ва аҳамияти бекиёсdir.

Рангтасвир фанини ilk ўрганишда геометрик фигурулар, мева сабзавотлардан иборат натюрморт, кейинчалик, портрет ва аёл ёки эркак қоматини тасвирлаш муҳим босқич ҳисобланади.

Аслида бу жуда қийин масала, у рассомдан катта маҳорат талаб қиласди. Талабаларнинг билим ва кўнікмаларини оширишда тажрибаларнинг бойишига, амалий машғулотлар, этюдлар, рангларни ўйинқаролиги, ҳаётга янада кенг ва атрофлича ёндашишга ёрдам беради. Ўқув дастурига кўра, ўқиш давомида яъни, натюрморт, этюдлар ишлиши натижасида анча маҳоратга эга бўлади. Унда биринчи постановка учун чизматасвир фанида ўзлаштирилган билим ва кўнікмалар қўлланилган ҳолда форматга жойлаштириш ечимини тўғри ва чиройли топишга қаратилади.

Талабанинг расм чизиши кўнікмасини ўрганилиши лозим бўлган нарсаларни натурадан шунчаки механик тарзда кўчириб олишга эмас, балки реал борлиқни тушунган ҳолда тасвирлаш асосига курилиши лозим. Бунинг учун талаба биринчи босқичданоқ расм чизишининг тасвирдаги энг муҳим томонларини ажратади билишни ўрганиб олиши шарт.

Расм чизиши назарияси ва техникасини ўзлаштириб олишнинг асосий шартларидан бири бу расм чизиши билан мунтазам равишида шугулланиш, дарсдан ташқари вақтларда ҳомаки ишлар қилиш, инсонни ўраб олган борлиқка ва ҳодисаларга синчков муносабатда бўлиш, уларни ўрганиш, кўргазмаларга ва тасвирий санъат музейларига тез-тез бориб туриш, тасвирий ва амалий санъат исарларидан фото ва босма нусхалар, открытикалар тўплаш, тасвирий

санъатга ва санъатшуносликка оид адабиётларни мунтазам ўқиб туриш, мумтоз рассомлар асарларидан нусха күчиришидир.

Тасвирий санъат билан шугулланиш инсонга эстетик завқ багишлайди, унинг руҳий дунёсини бойитади. Тасвирий санъат инсондаги интеллектуал, маънавий, ҳиссий ва эстетик эҳтиёжларни ўзида бадиий мужжасамлаштирган ҳолда уни комилликка бўлган интилишларини юксалтиради.

## 1.1. Рангтасвир

Рангтасвир—барча тасвирий санъат турларининг (графика, амалий санъат, ҳайкалтарошлиқ, дизайн ва ҳоказолар) асоси ҳисобланади. Рангтасвир тасвирий санъатнинг энг муҳим турларидан бири. У инсонни ўраб турган реал борлиқни ва ҳодисаларни тушуниш, идрок этишда ранглар воситасида бадиий акс эттиради.

Таълим мақсади ижтимоий ҳаёт билан узвий боғлиқ. Ижтимоий ҳаётдаги туб ўзгаришлар, фаннинг интенсив ривож-ланиши, таълим модернизацияси, янги дидактик имкониятлар, инсон билим ва тафаккурини, шубҳасиз таълим мақсадини ҳам тубдан ўзгартирди. Таълим максадининг тубдан ўзгариши таълим мазмунида ўз ифодасини топади. Тасвирий санъатга оид Академик билимларни эгаллашнинг барча босқичлари, ижодий масалалари, ечими мавжуд воқеликни ўрганиб тафаккур этиши (фикраш) ва уларни бадиий образлар шаклида яратиш билан узвий боғлиқ бўлмоғи лозим.

Рангтасвир ҳар хил бўёклар ёрдамида (мойбӯёқ, акварел (сувбӯёқ), елимли бўёкларда, гуашь, темпера ва бошқа бўёкларда) бажарилади. Шулардан бири акварель (сувбӯёқ), у сувда осон зрийди. У ўзининг таркибига кўра, турли тоза моддалардан иборатлиги сабабли, тасвирлар натурадан ишланганда ранглар тиник чиқади.

Сувбӯёқнинг асосий ҳусусияти фақат сувда эришидагина эмас, балки таркибини ташкил қилган моддаларнинг (пигмент ва ранг берувчи экстрактлар) бирлаштирувчи, bogловчи модда эканли-гидадир.



1-расм. Акварелда ишланган натюрморт.



2-расм. Мойбүёқда ишланган натюрморт.

Негаки, у сувда эрийди, сув ёрдамида юзада ёйилиб, бүёкни юза билди. Бундай боғловчи модда сифатида унга ҳозирғи

замонда ўсимлик елими - камеди, асал, қанд, потока, декорин, крахмал, спирт, глицирин ва шунга ўхшашлар кўшилади.

Акварель эритилганда, у шунчалик тиник тусга эга бўладики, ҳатто расм ишланганда, бир рангнинг устидан иккинчиси суртилганда ҳам аввалги суртилган ранг сезилиб туради ёки икки рангнинг бир-бирига қўшилиши натижасида янги ранг ҳосил бўлади. Акварель гуллардан, мевалар ва уй-рўзгор буюмларидан тузилган натюромортларни тасвирилаш услубини енгилгина ўзгартирган ҳолда бажариш имконини беради.

Акварелда ишлашнинг турлича услублари бор. Қайси услубни танлаш бажариладиган иш моҳиятидан ва қўйилган мақсаддан келиб чиқади. Масалан: намланган қоғоз устида акварель буёк билан тезда расм ишлаш усули, кисқа муддатда, тез ишланадиган асарда ёки этюд, хомаки ишларда "аллаприма" услуби акварелда жозибали чиқади.

Ранглар бирмунча ёрқинроқ ва бир-бирлари билан уйғун ҳолда олиниб, белгиланган мавзунинг асосий сифатлари, колорити ва ҳолати тасвириланади. Акварелда ишлаш услубларини ўрганиш жараёнида дарсдан ташқари, мунтазам равишда хомаки расмлар, ишлар, этюдлар ва турли мавзуларда композициялар ишлаш яхши самара беради.

Рангтасвир асарининг кучи ҳар кандай санъатдагидек, шакл моҳияти теранлиги ва мукаммаллигидадир. Агар рассомнинг ижодий фикрлаши унинг руҳий кучи бўлса, рангтасвир техникаси унга зарур техник қурол бўлиб хизмат қиласи ва унинг рассомчилик ютуқларининг амалий негизини ташкил қиласи. Рассом учун техника бу, мукаммал рассомчилик асарини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқ усул ва йўлларининг шундай мажмуасики, усиз рассом бирор тасвирий яратади. Техникасиз рассом танг аҳволда қолганидек, техника унга қанот бағишлайди.

Колорит ёруғлик ва кўриб идрок қилишнинг маълум объектив конунлари бўйича юзага келади. Бу қонунлар бўйича бизнинг онгимизда предметларнинг колорит образлари пайдо бўлади. Колорит ва унинг қонуниятлари ҳакидаги таълим рангтасвир техникасининг назарий асосини, унинг ҳамма усуллари умумий асосини ташкил қиласи. Рассом ҳар кандай тасвирий материалга мурожаат қиласин, ҳоҳ мойбўёкка, ҳоҳ темперага бўлсин, уларга

хос бўлган рангтасвир техникаси хусусиятларига эга колорит қонуниятлари ўзгармай колаверади.

Амалиётда таълим бериш бошида тасвирий вазифани ёнгиллаштириш учун кўпинча тасвирининг шартли қонунлари қабул қилинади. Мана, масалан, ёруғликнинг биргина манбаи билан ёритишнинг оддий ҳолати олинади, тўғри ёруғлик тушишининг бир бурчаги доимий килиб ўрнатилади. Бу қонунлар натюроморт шакллар ва инсон қомати шаклларини дастлабки ўрганиш вақтида, конструктив чизма учун расм чизишнинг дастлабки тасвирий техникаси ўзлаштирилаётганда, талабаларга хонадаги иш учун старлича мақсадга мувофиқ. Аммо сурат ишлатгандан талабани ималиёти хонани сунъий ёритишнинг оддий ёруғлик шароитидан четга чиқа бошласа ва расм чизаётган ижодкор табиий ёритилишнинг мураккаб шароитларига тушганда, ижодий иш бошланганида, инсон ёки иншоотни тирик табиий мухитда турли ёритишлар билан тасвирлаш зарурати пайдо бўлганда, бу қонунлар таълим олувчини қониқтирумай қўяди. Унда табиатдаги колорит қонуниятлари ҳақидаги билимнинг йуқлиги уни мушкул ахволга солиб қўяди ва ўрганиш бўлиб қолган шартлилик бўйича боришга ёки таваккал қилиб кўп вақт, ижодий куч сарфлаб, масаланинг мустақил ечимини излашга мажбур қиласди. Бу вақтда унга табиий ёруғлик ўзининг бутун соддалиги ва мураккаблигига бир вақтда гашунтирилиши ва очиб берилиши керак.

Ижодий иш учун предметларнинг ёруғлик таъсирида рангтасвир қиёфасини ўзгариш қонуниятлари тўғрисида маълум билимларни ғаллаган бўлиши зарур. Бу эса ҳар бир рассом асарида ёруғликнинг қандай ҳолатда тасвирланганлиги яни, тўғридан-тўғри шатурадан ёки бўлмаса тасаввур орқали яққол тасвирлаш имкониятини кўрсатиб беради.

Предмет ранг қиёфасини бериш бўйича иш предмет жойлашган ёруғлик мухитини, унинг тиниқлиги ва ёритилиш даражасини ўрганишдан бошланади. Бу жиҳатлар колорит ва ёруғ-соянинг характерли қирраларини белгилаб беради. Бу маълумотлар бўйича ёруғлик манбаининг уч категорияси ва шунга мувофиқ уч даражаси ўрнатилади.

Биринчи категорияга одатда, картинада асосий, анчагина кучли ёритиш тусини, нурлар ва бошка ёрқин ёритилган жойлар тусини белгиловчи ёруғликнинг энг катта манбаи киради. Иккинчи категорияга ярим тус ва сояларнинг умумий тусини белгиловчи

манбалар киради. Учинчига турли маҳаллий рефлекслар тусини белгиловчи манбалар киради. Колоритнинг ўрнатилган характерли кирралари ва берилган ёритиш даражасига мувофиқ техник ижронинг маълум мантикий кетма-кетлиги кабул қилинади: очдан тўққа.

Бундай кетма-кетлик биринчидан шу билан белгиланадики, акварелда доимо оқ коғоздан ишни бошлиш зарур. Қоғознинг оқлиги унинг учун фойдаланиш мумкин бўлган энг юқори ёруғлик хисобланади. Кейинги ҳамма қатламлар қоғознинг оқлигини пасайтиради. Ёритилган жойларда қоғоз баъзида тегилмай колдирилади. Иккинчидан, бундай кетма-кетлик шу билан белгилавадики, колорит тусини беришда ишни ёруғлик даражаси бўйича олиб бориш, ёруғ буёклардан бошлиш ва энг тўқ ранглар билан тугатиш мақсадга мувофиқроқ.

Картинада ёрқинликнинг биринчи даражаси нурларга ёки картинадаги асосий ёруғлик манбанинг тўғри тушувчи нурлари билан ёритилган жойларига мувофиқ келади, шунинг учун дастлаб бутун суратни нурлар ранги билан коплайдилар. Нурлар рангини кейин унга тегмаслик учун, кир қиласлик ва тўқартираслик учун бошида қайд қилиш куляйроқ. Агар нурлар деталлаштиришни талаб қиласа, пухта ўйланган, қатъий чизиклар билан иш якунида ёруғ ва тиниқ бўёклар билан амалга оширилади.

Картинада ёруғликнинг иккинчи даражасини кучи бўйича иккинчи даражали ёруғлик манбалари билан ёритилган ярим тус ва соялар бўёклари ташкил килади. Чунки ярим тус ва соялар доимо нурлардан тўқроқ, сувбўёқ техникасида уларнинг бўёкларини нурлардан кейин суртилади. Иккинчи даражадаги бўёклар билан, нурлар ёки ёрқин ёритилган жойлардан ташқари ҳамма ёқ қопланади, яъни ҳамма ярим тус ва соялар.

Ёруғликнинг учинчи даражасига картинада рефльекслар ва энг тўқ жойлар киради, улар натурада ёруғликнинг учинчи даражали манба билан ёритилган. Тасвирий ишда энг очдан энг тўққа томон ҳаракатланиб, ёруғликнинг даражалари ва ранг муносабатларини тўғри ўрнатиб, доим ишончли, тўғри ва қисқа йўл билан юқори техник натижаларга келиш мумкин.

Ранг (ҳаво) перспективаси деганда, борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг кузатувчидан узоклашган ёки яқинлашган сари уларнинг рангларида бўладиган ўзгаришлар тушунилади. Айрим мугихассислар уларни ҳаво перспективаси деб ҳам аташади. Чунки

рангларнинг перспективадаги ўзгаришига асосан ҳаво қатлами таъсир кўрсатади. Шунингдек, ранглар узокдан ўзгариб қўринишига чанг, ёмғир, туман, қор ёғиши ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Ёргулук манбанинг ўзгаришига қараб, ўтлар, дараҳтлар барглари, ер, уйларнинг ранглари турлича тусга киради. Мазкур нарсалар эрта баҳордаги тонт пайтида ҳаво ранг ва зангори тусда бўлсалар, кундузи эса улар ўзларида барча мавжуд ранг тусларини намоён қиласидилар. Қишининг куёшли ёрқин кунида қор пушти ранг тусда, соя жойда у ҳаво ранг ёки зангори тусда қўринади.

Предметнинг ранги уларни ўраб олган нарсаларнинг ранги таъсирида ўзгаради. Бундай ҳодиса ранг рефлекси (қайтма нур) деб юритилади. Предметлар рангини биз теварак-атрофдаги нарсаларнинг рангларига нисбатан идрок этамиз. Агар предмет турган жойдаги фон ўзгартирилса, ўша предметнинг ранги ҳам ўзгаргандек туюлади. Сарик предмет зангори фонда сарғиш ёки қизил фондагига қараганда янада сарғиш туюлади, яшилроқ рангдаги предмет қизил фонда сарғиш ёки зангори фондагига қараганда ёрқин ва янада яшилроқ туюлади. Илик рангдаги предмет ёнида турган совуқ рангли предмет янада совуқроқ тусга эга бўлади. Зангори ранг яшил ранг билач ёнма-ён турса, илик туюлади. Агар предмет ранги совуқ бўлса, унинг сояси илик туюлади ёки аксинича.

## 1.2. Рангтасвир фани ўқитишлишининг асосий қонун-қоидалари

Рангтасвирни ўқитишининг бутун тизими талабанинг бадий тимсолий тафаккурини ривожлантиришга, унинг мустақил ижодкор бўлиб етишишига кўмаклашуви зарур. Рангтасвир фани рангшунослик қонунларига асосланиб, борлиқни реалистик ифодалайди, акс эттиради. Рангтасвир маҳорати бу текисликда борлиқни тўлақонли табиий, чиройли рангларда акс эттиришдир. Бунинг учун рассом ҳавоий перспектива, масштабни, ҳажмни чизматасвир орқали акс эттиришни пухта эгаллаши керак. Тус, ранг на чизматасвирни бир-бирига боғлаб, рангтасвир асаридаги моҳирона фойдаланиши зарур. Чизматасвирсиз факат бўёқлар орқали буюмнинг шаклини, ҳажмини, борлиқдаги ўрнини акс эттириш мухимдир. Агар манзара ишлашда перспектива қонунларига амал қилиб чизматасвир кўрсатиб берилмаса, рангнинг аҳамияти ўринсиздир. Реалистик тасвирий санъатда чизматасвирга мухим рол берилади ва чизматасвирни эгаллаш реалистик тасвир жараёнида

асосий шартдир. Олдин чизматасвир ишланиб, кейин ранг берилади. Рангтасвирчи олдиндан чизматасвир тайёрламаслиги мумкин. Аммо буюк рассомнинг асарида аниқ чиройли чизматасвир рангтасвир билан чамбарчас боғланиб, яққол тасвир ҳосил қилганини кўрамиз. Дарс жараёнида талаба олдиндан чизматасвир орқали перспектива, буюмларни конструктив шаклини тусли чизматасвир ва нисбатлар тушунчасига эга булиш мақсадга мувофиқдир. Баъзи талабалар ишларини таҳлил қилганимизда чизматасвирни тўла эгалламасдан ранг (бўёқ)да тасвирлашга уринишади, натижада тус (тон), колорит, ҳавоий преспектива каби тушунчалар амалга ошмаганлигини кўрамиз. Тасвирий санъатда ўқитиш-урганишнинг биринчи босқичида чизматасвирдан пухта, жиддий тайёрлашга катта эътибор берилади. Шундагина кейинчалик рангтасвир билан шугулланиш жараёни яхши натижаларга олиб келади. Тасвирий санъат ҳар бир ижодкор шахс учун жуда кент фаолиятлар майдонидир. Расм чизиши пухта эгаллаш барча санъат турларида мухим ўринни эгаллайди. Шу сабабли академик сурат ишлаш билими, тасвирий фаолиятнинг барчасида қўл келади, муваффақиятни таъминлади. Қаламтасвир ишлашга ва уни ўз маънавий ҳаётида фойдаланишга одамлар қадимги пайтларданоқ интилиб келганлар. Шу сабабдан ҳам расм чизишининг маълум қонун-қоидалари ишлаб чиқилган ва йиллар, асрлар мобайнида такомиллаштирилиб келинган. Қаламтасвир барча тасвирий санъат турларининг асосий, негизи десак хато бўлмайди. Уқув машқ вазифаларни пухта, ифодали қилиб тасвирлай олиш академик расм, қону -коидалами атрофлича ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан урганишни тақозо этади. Улар иш фаолиятини сифатли ташкил этилишига ҳам кўп томондан боғлиқдир. Бундан ташқари, чизишида ишлатиладиган асбоб-анжомлар сифатли, талабга жавоб берадиган булиши керак.

Рангтасвирда ишлашнинг энг асосий талаби, чизиш объектини ҳар томонлама ўхшатиб акс эттиришдан иборат. Бунинг учун тасвирини қофоз юзасида тўғри жойлаштириш, нисбатларини тўғри аниклаш, буюмларнинг ўзаро масофасини ва перспектива ҳолатларини аниқ топиш талаб этилади. Ишнинг мақсадга мувофиқ чиқишида албатта билим, тажриба ва маҳорат етарли даражада бўлиши керак.

Билим олиш, ўрганиш, мутолаа қилиш орқали орттирилса, тажриба ва маҳорат кўп ишлаш, тинмай машқ қилиш, интилиш эвазига орттирилиши маълум. Таълим олишнинг яна бир мухим

шарти ҳар бир тасвир этиладиган нарса, ҳодисани аслидан, яъни натурадан караб акс эттирилишига жуда боғлик эканлиги сир эмас. Чунки чизишида ҳаёт ҳақиқатни кўрсата олиш сифати энг муҳимдир десак асло янглишмаймиз. Тасвир чизишини ўрганиш оддий натюрмортдами, шунингдек, алоҳида-алоҳида турган буюмларни акс эттириш орқали амалга оширилади. Иш тасвирни қоғозга тўгри ва чиройли тарзда жойлаштиришдан бошланади, сўнг ҳар бир нарсани ўзаро жойлашиши, улар орасидаги масофалар нисбатлар аникланади. Бунда қалам енгил, қоғозга ортиқ даражада босмасдан ишлатилиши керак. Акс ҳолда нотўғри чиққан жойлар ва ёрдамчи чизикларни ўчирғич билан кетказиш кийин бўлади. Шунинг учун ўртача юмшоқлик даражасидаги "ТМ", "М", "2М" русумли қаламлардан фойдаланиш анча қулайдир.

### **Назорат саволлари:**

1. Рангтасвирда қандай бўёқ турларини биласиз?
2. Колорит натюрмортда нимага асосланиши лозим?
3. Рангтасвир ишлаш жарёнида ёруғ ва тиник бўёқлар деганда нималарни тушунасиз?
4. "Алля прима" услуги қайси бўёқда ишланади?

### **Амалий топшириклар:**

1. Мавзуга мос ашёлар йигиш, хомаки чизгилар ишлаш.
2. Уй-рўзгор буюмларидан бирор бир образни қаламтасвир ва рангтасвирда яратиш.
3. Акварелда мўйқалам билан образли этюдлар ишлаш.

### **Хулоса**

Мазкур бобда, Рангтасвир фанининг бадиий таълим тизимидағи ўрни, тараққиёт босқичлари, фан юзасидан малака ва кўнимкамларини ривожлантириш услублари содда мисоллар орқали тушунтирилган. Бадиий таълим йўналишларида таълим олаётганбўлажак мутахассис ижодкорларни амалий ва назарий билимларни пухта эгаллаши, уларни амалиётда қўллай олишида муҳим манба ҳисобланади. Шунингдек, рангтасвирнинг мазмун-моҳиятини очиб беришда ижодий асаллар, уларда қўлланиладиган

бүёкларнинг турлари бўйича мисоллар билан асосланган. Бунда талабалар борлиқни ва нарсаларни рангда тасвиirlab беришини тушунган ҳолда акс эттириши тўгрисида аниқ маълумотлар берилган. Асосий мақсад эса талабаларнинг амалий тажриба ва маҳоратни оширишга йўналтирилган, тавсияларни очиб берилишидир. Машғулот давомида, натюрморт, этюдлар ишлаши натижасида талабанинг бирмунча маҳорати, билими ва малакаси ошиши, асар яратишида муҳим восита бўлиб хизмат қиласи.

## II БОБ. АШЁЛАР

### 2.1. Қоғоз

Ақварелда ишлаш учун асосан уч хил қоғоз турлари мавжуд. Булар ғадир-бұдур, үртача ғадир-бұдур ва силлиқ. Улар асосан машиналар ёрдамида яратылади ёки тайёрланиш услуби билан аталади. Ғадир-бұдур қоғоз турларининг номлари йүқ, аммо силлиқ турларини "иссиқ босимли" ҳам деб аталади. Құл билан тайёрланадиган қоғоз турлари ҳам мавжуд бұлып, улар текстура жиҳатидан бутунлай ажралиб туради. Улар жуда қиммат туради ва уларда ишлаш учун алохіда маҳорат талаб қилинади. Қоғоз - сувбүёқ (акварель)да рангтасвир яратиш учун ишлатиладиган асосий ашё ҳисобланади. Үнта құйиладиган акварелнинг ажойиб ҳусусияти унинг шаффофлигіда, юпқалигіда, енгиллигіда; қанчалик бүёқ қатлами юпқа бұлса, у шунчалик ёруғликни қоғозға күп үтқазади, қоғоз эса қанчалик оқ бұлса, у шунчалик ёруғликни яхши қайтаради, сувбүёқдаги ишловда бүёқ қатлами шунчалик ёрқын ва жилвадор күринади.

Иккінчи сифатларидан яна бири, пишиқ ва мустахкамлигидадир. Маълумки, иш жараёни қалам билан тасвир ишлашда хато бұлған жойларни учиргич билан үчириш натижасыда қоғознинг титилишидек салбий таъсири кузатылади. Айниқса, узоқ муддатли иш жараёнида қоғоз бир неча марта ҳулланиб, қайта куриши натижасыда қоғоз юзаси босмасымон бұлып қолади, бүекнинг чуқур қатламларгача сингиб кетиши натижасыда қоғознинг ёруғликни қайтариш ҳусусияти йүқолиб, сифати бузилади. Оқибатда, бүёқ қатламлари хира тус олиб, сувбүёқнинг асосий фазилати, шаффофлиги йүқолади.

Учинчиси, бошқалардан кам бұлмаган сифати, унинг юза қисмининг тузилиши (фактураси) ҳам аҳамиятга зға. Сувбүёққа мұлжалланған қоғозларнинг юз қисми ғадир-бұдир бұлади. У бүёқ қатламларини бир меъерда бұялишига, заррачаларнинг қоғоз билан маҳкам бояланишига имкон беради. Бу эса кейин берилған бүёқ шаррачаларнинг аввалгилари билан аралашиб кетмаслигини тиімнілайди. Бу эса ҳамма ранглар қатламларининг жилваланишига олиб келади. Ранглар қатламлари бир-бириға құшилиб кетса, улар киңчимол, хира тортиб, шаффофликдан маҳрум бұлади.

Юзаси силлик қоғозга устма-уст берилган буёқ қатламларининг мўйқалам суркалиб, аралашиб кетса, оқибатда кирчимол, хира ранг ҳосил қиласди, бу эса бутун расм(иш)нинг бузилишига олиб келади.

Қоғоз турлари кўп ва хилма-хил, уларнинг юзалари тузилиши ва сифати ҳам турлича, майда ва йирик бўлади. Қайси бирини танлаш эса уларда қандай иш бажарилишига қаралади. Ҳажми кичик, майда, нозик ишларга майда фактурали қоғоз танланади, йирик фактурали қоғозда ҳажми катта тасвиirlар ишланади. Бунда олдинги тарафдаги нарсаларнинг дағал фактурали, кучли ёритилган ҳажмларини ишлаш имкони мавжуд.

## 2.2. Бўёқлар

Ҳар қандай бўёқнинг энт муҳим техник хусусиятлари уларнинг таркиби, шаффофлиги, ёруғлиги, очлиги, тўклиги ва узок муддатлигидадир. Ҳамма бўёқлар бўёвчи ва боғловчи қисмдан иборат бўлади. Ъўёқлардаги бўёвчи моддалар сувбуёқда, темперада, мойли бўёқда ва бошқаларда бир хил бўлиб, фарқи эса боғловчи моддаларнинг таркиби ва уларнинг келиб чиқиши турличалиги билан белтиланади. Улар бўёвчи моддалар зарраларини бир-бири ва картина юзаси билан боғлаб туради. Ҳар хил рангдаги бўёқлар таркибидаги ранг берувчи моддалар тузилишининг ҳар хиллиги сабабли, техник хусусиятлари жиҳатидан бир хил эмас, яъни, йирик кукунли ва майда кукунли бўлади.

Акварелда ишлашнинг афзал хусусиятлардан бири, унда ишлашда кўп бўёқ ва ашёлар талаб қилинмайди; кичик кутичадаги акварель бўёғи, бир нечта мўйқаламлар, қоғоз ва шиша банкачада сув бўлса бас, ишни бошлаш мумкин. Албатта, айтилган ашёлар энг асосийлардан бўлиб, сизнинг тажриба ва малакангиз ошган сари, ўз услугубингизга эга бўлганингизда, маҳсус мўйқалам ва бўёқларда ишлаш эҳтиёжи пайдо бўлиши табиийдир. Шу сабабли аввал оддий ашёлардан фойдалана бошлиб, ижодий камолотга етган сари уларни кўпайтириш мақсадга лойикдир.

## 2.3. Акварель

Акварель - лотин тилидан олинган, сув маъносини англатади. У сувда яхши эрийдиган, ювиладиган майин ва шаффоф буёқ. Сувбуёқ тасвири ниҳоятда рангли, нафис ва нозик бўлиб, улар кўпинча қоғоз устига ишланади. Сувбуёқ сув билан аралаштирилиб, суюлтирилиб, қоғоз юзасига суртилганда, оқ қоғоз ранги сезилиб туради, бу эса оқ бўёқсиз ишлаш имконини беради. Агар сувбуёқ оқ бўёқ билан

аралаштирилиб ишланса, сувбүёкнинг ранги хиралашади, сувбүёкка хос тиниклик йуқолади. Сувбүёк қозоз юзасидан осонгина ювилиши керак, нотугри бўялган бўёкни тузатиш учун тасвирдаги шу жой ювиб ташланади.<sup>2</sup> Бу эса осон эмас, айни шу нокулайлик сувбүёкда рангтасвир ишлаш услубидаги қийинчиллик ҳисобланади. Сувбүёк қозоз юзасида бир текис ёйилиши ва осонгина мўйқаламга олиниши керак. Иш жараёнида қозоз юзасида текис ва енгил бўялиши, юзада кумоқ қолдирмаслик, бўёк бир ерга тўғланмаслиги, йўл-йўл из ҳосил қилмай бўялиши керак. Сувбүёклар: қаттиқ шаклда, юмшоқ кичик идишчаларда, суюқ тюбикларда бўлади. Ҳар бирининг ӯзига яраша афзаллик ва камчиликлари бор. Тюбиклардагилари ёрқин, тўйинган рангларга зга ва сиз бирданига кўп бўёкларни аралаштириб олишингиз мумкин. Бу катта ҳажмдаги расм ишлашда жуда қўл келади. Аммо кўчада ишлашда уларни қайта қутиласга жойлаштириш нокулайрок. Кичик идишдаги бўёклар бир-бири билан тасодифан аралашиб кетишмайди. Қандай сувбүёк олишингиздан катъий назар рассомлар учун мўлжалланганини олинг.



3-расм. Акварель турлари

## 2.4. Гуашь

Яна бир график ашёлардан бири гуашь. Гуашь - итальян тилидан олинган, сувли буёқ маъносини англатади. У сувда яхши эрийди. Гуашь бўёғи акварелдан қозоз юзасига бир неча қатлам қилиб турлича қалинликда берилиши мумкинлиги ва таркибида оқ буёқ мавжудлиги билан фарқланади. Бадий гуашь майин майдалантган

<sup>2</sup> Хейл Гаррисон. "Рисунок живопись". Стр. 76. "Эксмо" Москва 2011г.

пигмент ва мева ширалари, декстрин, глицирин, ҳайвон ути күшилган ҳолда тайёрланади. Сувда яхши эрийди, аммо сувбуёқ (акварел) сингари тиникликка эга эмас. Лекин шундай бўлса ҳам, у рангтасвир, плакат, декоратив амалий санъатда, ҳаттотлиқда кенг фойдаланилади. Гуашь бўёқларида бир рангнинг устига бошқа ранг берилганда аввал суртилган ранг бутунлай сезилмайди. Зарурат бўлса, гуашни сув билан аралаштириб ишлаш мумкин, бу эса бўёқни юпқа қатлам билан бўяшга имкон беради. Гуашь бўёқлари тез куриш хусусиятига эга, аммо қуёшда кўпроқ турса, унинг ранги хиралашиб очариб кетади. Гуашь бўёқларининг таркибида сув бўлгани учун уни +0°C даражадан пастда сақланса, унинг си-фатига салбий таъсир қиласди.



4-расм. Гуашь турлари.

Гуашь бўёқларидан ҳам тасвирий санъатнинг ҳар хил жанрларида юксак тасвирий санъат асарлари яратиш мумкин. Гуашь деб акварелга нисбаган оқ бўёқ кўшиб ишланган шаффоф бўлмаган рангтасвир асарини ҳам айтиш мумкин. Бундан ташқари, тайёрлов картонлар ишлашда, декоратив эскизлар, иллюстрациялар ҳамда турили дастоҳлик асарларини бажаришда кўлланилади. Агар сувбуёқлар (акварель) тўплами оқ бўёқ билан тўлдирилса ва уни бошқа рангларни очартириш мақсадида кўшиб ишлатилса, бундай рангтасвир, акварелда ишланган эмас, гуашда ишланган дейилади. Гуашда бажарилган рангтасвир асарлари шаффофликдан маҳрум, чунки унинг қатламлари қалин, қуюқ берилганлиги ва таркибида маълум даражада оқ бўёқ (ёруғликни ўтказмайдиган минераллардан ташкил топган) мавжудлити учун, сувбуёқга хос булган шаффофлик йўклиги билан ажralиб туради. Гуашь ўз кўриниши билан қуюқ қаймоқни эслатади. У асосан ҳар хил ҳажмдаги шиша ва елим

(пластмасса) бочкачаларда ва сикма идишларда сотилади. Улар узок муддат сақланганда, қотиб қолмаслиги учун юзасига сув, глицирин ши камедиянинг сувда эритилган махсус суюқлиги қўйилади.

**Гуашъда рангтасвир услуби.** Гуашъ бўёкларига рангтасвир ишлаш жараёни ҳам сувбўёқда ишлаш услубига ўхшаб кетади. Лекин шуни назарда тутиш керакки, гуашъ мутлақо серсув бўёқ шимдирилган мўйқалам билан серҳаракат билан ишқалаб бўлмайди, чунки гастки аввал қўйилган қатлам, ранг ивиб, қоғоз, картон ва грунтланган буз (холст) юзасидан кўчиб кетади. Натижада мўйқаламдаги ранг билан аралашиб, мўлжалланган ранг эмас, бутунлай бошқа кирчимол ранг чиқиб қолиши мумкин.

Яхши тайёрланган гуашъ деярли тез курийди. Хона ҳарорати +18-+20 градус бўлганда, одатда бир соат атрофида, бизнинг об-ҳаво шароитимизни эътиборга олсан, унданда тезроқ куриши мумкин. Куриган юза ўзига хос ажойиб бахмал сифат тус олади. Гуашъ билан ишлашда унинг яна бир хусусиягини эътиборга олиб ишлаш, яъни у куриганда очаришини, рангларнинг тон жиҳатдан кучини ийӯқотишини назарда тутиш керак булади.

## 2.5. Мўйқалам

Мўйқалам - расм чизишнинг энг асосий иш куроли бўлмаса ҳам, у жуда сезувчан, харакатчан ва "жонли" чизик беради.

Рассом мўйқалами палитрадан (бўёкларни аралаштириш учун ишлатиладиган бир парча оқ пластина, оқ қалин қоғоз ёки оқ чинни ликобча) картина юзасига олиб ўтишга мўлжалланган иш куролидир. Акварелда ишланганда мўйқаламда тасвирга қўйиладиган суртма учун қанча микдорда сув олиш зарурлигини хис қилиш кўникмаси катта аҳамиятга эга. Ортиқча сувбўёқдан вақтида кутилмасак, айниқса, нам ҳолдаги бир доғни иккинчи доғ билан уларнинг шаклини бузмасдан улашимизда панд беради. Яъни тасвирланаётган шакл бўёкларнинг ўз ҳолича бир-бирига ўтиб кетиши натижасида бузилиб кетади.

Яхши мўйқалам ингичка чизик ва кенг суртки беради. У бўёқка тўйинган, сербуёқ бўлади, катта, тиник, шаффоф додлар ҳосил қилиш имкониятини беради, унда ингичка сувли юзаки штрих бериш мумкин. Мўйқаламда тезкор чизгилар, рангламалар ишлаш техник махоратни оширади. Унда ишлашнинг қаламтасвирдан афзаллиги шундаки, мўйқалам билан бирданига катта текисликларни бўяш ва нозик ингичка чизикларни ҳосил қилиш

мүмкін. Мұйқаламда ишлаш нарсаларни умумий тасаввур қилишга ва умумий шаклини ҳис қилишга имкон беради. Аммо унда ишланған сувратни тузатиши кийинрек. Айнан пайтда у иш бошлашдан аввал тасвирланмоқчи бұлған нарсаны олдиндан тасаввур қилишга ва таассуратимизни қайта-қайта текшириб күришга, дикқатимизни жамламоққа, тартибга, сабрга ва техник маҳоратимизни үсишига ёрдам беради.

Мұйқаламда техник маҳоратимизни ошириш учун бир-иккита мүйқалам тури билан чегараланиб бұлмайды. Мұйқаламда шакли ва хажмлари қанчалик күп бұлса, рассомнинг техник тажрибаси шунчалик кенг бұлади. Майда ва кичик қысмларни, ингичка фон ва катта текисликларни ишлашга энли мүйқалам булиши керак. Лессировка услуги (асосий ранг устидан шаффофф бүёклар құллаш орқали чуқур ярим шаффофф ранглар олиш учун бир ибора) учун юмшоқ, дағал фактурали сурткilarни бериш учун энли ясси ва думалок қаттық түкли мүйқаламлар булиши талаб этилади. Битта мүйқаламда ишлаш одати, бир хил зерикарлы услугуга олиб келади. Үн ва ундан ортиқ мүйқаламлардан унумли фойдаланиш сувбүёқнинг жонли услугуга мос асар яратишга ёрдам беради

## 2.6. Планшет

Планшет қозғозни ушлаши ва ҳимоялаши учун керак. Уннинг турлари күп. Уни танлашда, рассомнинг дидидан ва тасвирланиши керак бұлған ишнинг хусусиятидан келиб чиқылади. Оддий конструкциялы, мақсадға мувоғиқ планшет тұртбурчак қилиб, бір-бірига маҳкамланған кесма ёғоч (рейка)га фанер ёки оргалит картон қолланған бұлади. Сувбүёқда ишлаш учун уннинг ёnlарига елим суртилиб, устига қозғоз ҳұллаб тортилади. Бундай конструкциялы планшет сувбүёқда ишлаш учун жуда қулай, унга тортилған қозғозни яхши ҳимоя қиласы.

Планшетнинг техник хусусиятлари ҳақида гапирап эканмиз, уни ишлатиши услублари ҳақида ҳам айтib үтиш жоиз. Масалан, улардан бири планшетни қия қилиб қуйиб ишлатиши. Бу маълум даражада техник қулайлық касб этади. Чунки, қияроқ қилиб, тик қўйилған тасвир масофадан яхши кўринади, уни тасвирланувчи нарса билан таққослаш қулай. Бундан ташқари, у рангдорли сифатига ҳам таъсир қиласы.

Қия ҳолат сувбүёқнинг оқимини бир томонга, яъни, юқоридан пастга йуналтиради. Бу ҳолат бүёклар

қатламини шаффоф чиқишига қулайлик яратади. Тасвириңинг шаффоф ва енгиллигига, орқа қисми, фон, предметлар сояларининг шаффоғлигига эришиш, зарур ҳолларда планшетни деярли тик ҳолатга қуиши мақсадга мувофиқ. Қия қўйилган планшетда ортиқча сув ушланиб қолмайди, тезроқ қурийди, иш жараёни тезроқ кечади. Малакали рассом ишлаган қоғозда ортиқча сув бўлмайди, қанчалик иш тез олиб борилмасин, қоғоз қуриб улгуради, тўғри ва керакли қиялик танланиши сувнинг оқиш тезлигини белгилайди. Баъзан тажрибасиз талаба планшетни нотўғри қияликда қўйиб ишлаётганини учратиб қоласиз.

Талаба планшетни горизонтал ҳолатда қўйганида, ҳаддан ташқари сувли қилиб, оқова услуб оғушида ишлаётганига гувоҳ бўласиз. Қоғоз ортиқча намлиқда шишлар ҳосил қилиб, бўёклар ҳар тарафга тартибсиз гарқалиб, ёйилиб кетади, нарсалар шаклсиз доғларга айланиб қолади. Афсуски, бу ҳолатда бўёклар керакли тиниқлик ва шаффоғликни бермайди. Рангларнинг енгиллиги ва шаффоғлиги бўёкларнинг аниқ, тўғри чамаланиб олиниши, енгил бўялиши ва планшетнинг керакли қиялигига тез қуришида намоён бўлади.

Яна муҳим жиҳатлардан бири планшетнинг юзаси хисобланади. Ўзани бир текис ёритиш муҳим, унга ҳеч қандай нарсадан, тасвирловчининг ўзидан ҳам соя тушмаслиги керак. Булардан ташқари, планшетнинг юзаси ва тасвирланувчининг ёритилиши муҳити яқин бўлиши мақсадга мувофиқ.

Агар нигоҳ натурадан планшетга аксинча, планшетдан яна натурага бир хил ёритилганлик шароитида кечса, кўриш сезгиси дикқатни жамлаган сари ўсиб боради: нарса ёки буюм, сунгра унинг тасвири ҳам рангдор ва жонли бўлади. Акс ҳолда, кўриш бир ёритилиш муҳитидан бошқасига ўтадиган бўлса, кўриш қобилияти пасайди, предметлар кулранг кўриниб, иш ҳам шунга яраша қора ва жозибасиз кўринади.



5-расм. Мүйқаламлар.

### Назорат саволлари

1. Қандай бүёк турларини биласиз? Фарқи нимада?
2. Гуашь бүёғида тасвир ишлангач, очлашадими ёки түкласадими?
3. Акварелда ишлашнинг афзаликлари деганда нимани тушунасиз?
4. Гуашь техникаси нимаси билан мойбүёк техникасидан фарқланади?
5. Гуашь технологиясида вазифалар ишлаш учун қандай ашё ва жиҳозлар зарур бўлади?
6. Рангтасвирда кетма-кетлик қандай амалга оширилади?
7. Ранг (хаво) перспективасига таъриф беринг?

### Амалий топшириклар

1. Акварелда табиат манзарасини ишланг.
2. Акварелда бир дона мева ёки сабзавотни мўйқаламда ишланг.
3. Гуашда мураккаб бўлмаган натюроморт ишланг.

## Хулоса

Ушбу бобда, талабаларга амалий машғулотлар давомида рангтасвирдағи ашёлар: қоғоз, акварель, гуашь ва мұйқаламлар түгрисида маълумотлар содда, асосли мисоллар билан ёритиб берилган. Қоғоз турлари, унинг сифати, иш учун муқобилини түғри танлай билишнинг аҳамияти тушунтирилган. Рангтасвирда сувбүёқ билан ишлаш учун қоғоз турларини танлай билишида тавсиялар берилган, шунингдек, қоғознинг чидамлиги, хусусияти ҳақидағи фикрлар билан бойтилган. Тасвирнинг сифатлы чиқишида, рангларнинг шаффоф ваенгиллигига, орқа қисми, фон, предметлар сояларининг аниқлигига ершишда ашёларни сипати, үрни мухим роль үйнайды. Мазкур бобда бу аниқ ва оддий тарзда тушунтирилган.

### III БОБ. 1-СЕМЕСТР

#### 3.1. Натюрморт. Гипсдан ишланган ўсимлик шаклларининг бир қисми, (разетка) иштирокида натюрморт гризайл усулида

Натюрморт французча - жонсиз жисм, нарса маъносини билдиради ва унда кўпинчга гуллар, мевалар, сабзавотлар, кушлар, уй-рўзгор буюмлари ва ҳоказолар маҳсус жойга қўйилиб, тасвиrlанади.

Натюрморт устида ишни нимадан бошлиш керак? Бу мураккаб масала ўз навбатида яна бир нечта майда мураккаб масалаларга бўлинади. Масалан: натюрмортга қандай мавзу танлаш, бунинг учун қандай буюмлар танлаш, уларни қандай қилиб жойлаштириш ҳамда ёритиш ва ҳоказолар.



6-расм. Натюроморт.

Биринчи постановка (чишишга қўйилган танланма) ларда мураккаб вазифаларни қўйиш мақсадга мувофиқ эмас, лекин тасвиrlанмоқчи бўлган буюмларни ҳам шунчаки механик равиша танлаш ярамайди. Рангларнинг табиийлигини тасвиrда тўғри бажариш анча қийин иш ҳисобланади. Бунга жиддий меҳнат, нозик дид ва чуқур мушоҳада орқали эришиш мумкин.

Натюрмортдаги нарсаларнинг оч-түқлик даражаларини фарқлашга, ундаги тус бирлигини ўрганиш учун натюрмортни битта рангда тасвирлаш катта аҳамиятга эга. Бу усулда расм ишлаш кейинчалик қийин натюрмортларнинг рангли тасвирини бажаришга ўтишни анча осонлаштиради. Бир рангда ёзиш усули "Гризайл" деб аталади.(7-расм)

Гризайл усулида расм ишлаш турли ранглар воситасида иш усулига ўтиш учун тайёргарлик босқичи бўлиб, унда мўйқаламни ишлатиш ёмлари ва акварель бўёкларининг хусусиятларини ўрганиш учун имконият яратади. Бу техника билан бир нечта натюрмортларни тасвирлаб ўргангандан сўнг, барча ранг хиллари билан натюрморт ишлаш анча осон бўлади. Масалан, тўқ кўк ва қизил ранглар гоҳ иссиқ, гоҳ совуқ рангларга кириши мумкин.



7-расм. Гризайлъ

Аралаштиришда иссиқ ранг миқдори совуқ ранг миқдорига нисбатан кўпроқ бўлса, ҳосил бўлган ранг иссиқ ранг қаторига ўтиш мумкин. Худди шундай кўк рангда қизил ранг кўпроқ бўлса иссиқ, кўк ранг кўпроқ бўлса совуқ ранглар қаторига киради. Демак, ўкув мишигулотидаги рангтасвирни ишлашда қўйилмадаги нарса ва буюмларнинг ёруғ-соя нисбатлари, шунингдек, ранг нисбатларини

ҳам очиб аниқ күрсатиш мұхим аҳамияттаға зға.

### **Ранг билан ишлашда натюрмортни планшетта тұғри жойлаштириш**

Натюрмортни аввало планшет үлчамга тасвирни чизишни бошлашдан олдин, горизантал ёки вертикал жойлаштириши, кичик үлчамда эскиз қилиб аниклик киритиб олинади. Аввалинбор, бу предметтарни қандай жойлаштириш масаласини ҳал қилиш даркор. Бу эса натюрмортни тұғри жойлаштириш ва нисбатларни тұғри аниклаш талаб қилинади. Натюрмортдаги предметларни бир-биридан узокрокда құйсак, у ҳолда яхлит бир гурұх бұлиб күрінмайды. Масалан, бирон предметни кузата туриб, иккінчисини құра олмаймиз. Агар предметлар бир-бирига жуда яқын қўйилса, улар бир-бирини тұсиб қўйиши мүмкін, бу ҳам мақсадға мувофиқ келмайды. Ёки предметлар бир қатор қилиб тизиб қўйилса, зерикарлы ва хунук чиқади. Демак, предметларни шундай жойлаштириш керакки, улар юқорида айтиб үтган камчиликлардан ҳоли бўлсин. Мато бир оз бурмалар (складка) ҳосил қиласа, текис (вертикал ва горизонтал) юзани фарқлашда мұхим рол үйнайды. Бунда гризайл услугуда ишлаш натюрмортни тұқ, энг соя жойларини хиёл оч тус беріб, предметни шаклига аниклик киритиб борилади.

Натюрморт фонидаги матони гипс розеткага нисбат олиниб, тақосланыб предметни ҳажмига оид бўлган шаклини тус орқали ажратиб, текислик аниқланади. Ишлаш жараёнида талаба турли хил тусда натюрморт ишлашдан олдин туслашни, яъни ёруғ сояларни бир-биридан фарқлашни үрганади. Гризайл техникасида нур, соя, яримсоя, қайтма нурларни керакли тусда мос бўёклар билан қоплаш бўёқ суртмаларини шакл йўналиши бўйича ҳаракатлантириш керак. Натюрмортда тасвирланаётган предметлар муносабатларини нафақат тус кучи бўйича балки унинг аниклигини ҳам, нарсалар сиртларининг контрастли чегараларини ҳам кузатишмиз керак. Ҳар бир предметнинг кўриниб турган ташки кўриниши ўзининг кўламида турлича бўлиб, қандайдир нарсанинг ёритилган чап тони ёруғлик кучи бўйича фонга нисбатан яқинроқ бўлиши мүмкін. Шу нарсанинг ўнг томонидаги чегараси тус жихатдан деярли фон билан иссиқ ва совук ранглар орқали бошлашда натюрмортнинг энг ёруғ жойи билан соя жойларини фарқлаш керак бўлади.

Натюрмортни ишлашда асосий битта рангдан фойдаланиш лозим. ранглар уйғунлигига зътиборимизни қаратиб, ёруғ ва сояларни,

буюмларни жойлашган ўрнини аниклаб, ёрқин рангларга эътибор берган ҳолда жигаррангдан ишлаш жараёнини бошлаймиз. Иш бажарилишидан аввал, талаба қуийлмани қизиқарли композицион счим вариантини топиши учун қоғозга бир нечта кичик-кичик хомаки этюдлар килиши яхши натижка беради.

Талабаларда қаламтасвир ва рангтасвир соҳасидаги кўнишка ва малакаларни ошириш, уларда ҳажмни, шаклни аниқ сезиш, ҳистайғуларини шакллантириш ҳамда тасвир текислигига фазовий шаклларни бера билиш қобилиятларини ўстириш каби хислатлар геометрик жисмларни чизиш машгулотлари орқали амалга оширилиб борилади. Талабалар рангтасвир машгулотларини геометрик жисмларнинг гипс моделларини сувбўёқда, рангда ёки гризайл услубида бошлайдилар. Геометрик жисмлардан: куб, призма, пирамида ва шунга ўхшаш бошқа предметларни чизиш орқали, чизиқли перспектива ҳақида тушунча ҳосил бўлади, конструктив тасвир яратиш малакалари мустаҳкамланади. Розетка иштирокида мато ёрдамида бирор бир предмет қўйилган натюромортни тасвирини гризайлда ишлаш шакл муносабатларини тўлқонли характеристерини очиб бериш, муҳитни чиройли тасвирлаш талабани билим ва кўнишкаларни ошириб боради.

### **Гризайл услубида натюромортни тўқ жойларини оч тус бериб аниқлаш**

Натюромортдаги шаклни мутаносиблигини фарқлаш уйғунлигига эътибор берган ҳолда, кўргазмали куролардан фойдаланиб ишни бошлаймиз. Натюромортни босқичма босқич рангларини ажратамиз ва деталлаштирамиз. Шиша ёки уй-рўзгор буюмларидан, чиройли идишлардан ташкил топган предметларга ҳажми бўлакларга ва ранглар уйғунлигига эътиборни қаратамиз, натюромортни тўқ жойларини оч тус берамиз ва буюмларни ҳажмини аниқлаймиз.

Ёргулук қоидалари ҳам нур, соя, ярим соя, қайтма нур каби жисм шаклини очиб берувчи жарёнларни муносиб аниқлик киритиб борилади. Шу қонунларга асосланиб, рассом комил ишонч билан жисмларнинг ҳажмини эркин тарзда тасвирлайди.

### **Натюромортни умумлаштириш**

Натюромортни умумий кўриниши буюм ёки қисмлари бирбиридан ажралиб қолмаслиги учун умумлаштирилиб, тўқ-очлиги

мұвозданатта көлтирилади. Тасвириңнег олдинги, ўрта ва орқадаги қысмлари кетма-кеттігі перспектива қонунига амал қылған ҳолда кичрайишига ва фазовий масофага зәтибор қилиш керак. Бириңчи пландаги деталлар аниқ ва кескинрөк ишланиб, олдинги ўринга олиб чиқылади. Иш жараёнида ҳар бир текислик ва шакл мүйқалам билан суртма (мазок) лар билан бириңчи марта қатламма-қатлам қилиниб, аста-секин тони кучайтирилади, шакл ва тони аникланиб борилади. Сояларнинг энг түк жойлары бирданыға эмас, балқы атрофдаги-ларга таққослаб түклантирилиб борилса, соялар ҳам ҳовали күринади. Нарсаларнинг ўз соялары ва улардан тушувчи соялар фарқини доим солиширилиб, аниклаб бориш зарур.

Тасвириңнег энг ёруғ ва энг қорамтири жойларини аниклаб олиш зарур, улар бир-иккитадан ошмаслиги керак. Тасвириңдеги бошқа тонлар ана шу иккى тон спектори оралигіда бұлиши керак. Шу иккى тон оралигіда тасвириңнегдең нарса ва буюмларнинг бой ранг-баранглиги, ранг тонларында зәға эканлигига зәтиборни каратиш керак. Уларни шунчаки механик равища бүяб чиқмасдан, буюмлар шаклини аниқ чиқариш, тон жиҳатдан түк ва очлигига зәтибор беріш, уларни бир- бири билан мұнгасам таққослаб аниклаб туриш керак. Иш якунида тасвириңн яна бир күздан кечириб, умумлаштирилған ҳолда яқун ясалади.

### 3.2. Куз инъомларидан тузилған натюрморт

Натюрмортни тузиши мавзу таңлаш катта ақамиятта зәға. Танланған буюмларымиз мавзуга мос келиши, уларнинг ҳажмлари ва ранглары ҳар хиллиги натюрморт композициясининг қизықарлы чиқишида ҳал құлувчи омиллардан бири бұлиб қолади. Натюрморт тузилғанда, буюмлар бир гурух қилип қўйилсада, улар бир-бирини түсіб қўймаслиги лозим. Йирик нарсалар оркарокқа, унинг атрофига кичикроқ ва олдинга кичик, майдароқ нарсалар масалан, меваларны саватта солинган ҳолатда ёки ўзини алохіда қўлайроқ жойлаштирилаштириб қўйиш мақсадға мұвоғиқ. Улар мазмун ва моҳияти жиҳатидан бир-бирларында мос келиш кераклигини ҳам нүрни тушиши, ёруғликни миқдор даражаси ва сояларни түғри топилишини аниклик киритиб борилади. Бу гал ҳам айнан шу анъянага амал қылған ҳолда мато ва мевалар қўямыз. Натюрмортимизга янада жозибали рух беріш учун орқадаги деворга түк рангдаги мато осиб қўйиш мүмкін. Натюрмортни қўйишда ёки

ташкил килишда яна нималарга эътибор қилишимиз керак? Авваламбор, хона ёргу ва ёрғулук бир томондан, натюромортнинг ён тарафидан тушиб туриши керак.



8-расм. Нина С. Куз инъомларидан тузилган натюроморт.

Натюромортни шартли равишда уч тарафга (планга): бизга яқин олдинги тараф, ўрта ва орқа тарафга бўламиз. Орқа тарафга ҳажми жиҳатдан каттароқ, чинни чойнак тўқ фонда яхшироқ кўринишни таъминлаш учун ўртага мева идиш ичидан мевалар ва тўқ рангдаги кичик чойнак, олдинги тарафга олма-узумларни, яъни ҳажми кичик нарсаларни кўямиз.

Куйидаги ишлар, яъни натюроморт мавзуси танлангац, унга мос нарсаларни гурух қилиб жойлаштириб, иш бошидан аввал, натюроморт тасвирининг композицион ечимини форматда қандай жойлашишини бир нечта вариантида кичикроқ қоғозга хомаки рангли тасвир қилиб, бажариб кўриш жуда фойдали. Унинг горизонгал ёки вертикал форматдаги ҳолатини ҳам аниқлаш лозим. Кичик ўлчамда қоғозларга эскизлар қилиниб улардан қизиқарли композицияни танлаб оламиз. Энг чиройли ва тўғри композицион ечими ҳамда форматда мутаносиб жойлаштирилгандан сўнг, асосий

форматда иш бошлаш мумкин. Натюромортнинг чизма тасвири тайёр бўлгач, сув бўёқда ишлашни бошлаш мумкин.

### **Кўриш нуқтаси**

Натурани кўриш нуқтаси стол текислигидан бирмунча юқориоқда бўлиши керак. Натюроморт ва кўзимиз ўртасидаги оралиқ эса 2-3 метр бўлиши натюромортни яхлит кўришга имкон беради. Форматта танлаб олинган ингичка қаламдаги тасвирининг хомаки вариантини жойлаштирамиз. Натюромортнинг конструктив контурли тасвирини яратамиз. Нарсаларнинг ўлчамларини ва конструктив курилишини аниқлаб, уларнинг перспектив қисқаришларини аниқлаймиз, ҳажм ва ўлчамларини топиш шакл ўхшашигиги текшириб борилади.

### **Тасвирга ранг бериш**

Натюроморт планшетга енгил қаламда жойлаштирилгандан сўнг, предметлар тасвирга ранг беришда аввало нарсаларнинг оч, локал рангларини тасвирлаш муҳим. Кейинги босқичларда тасвирдаги ранг предметнинг асл ранги билан тақкосланиб, соя ва ёргулек даражаси топилади. Предметларнинг соя ва яримсояларини тўқлашириб бориб, соядга совуқ ранглар муносиблиги ёруғда иссиқ рангларни кўйилиши қарама-қаршилигини мутаносиблиги ва улар ёрдамида предметларнинг шакллари аниқлаштирилади ва тасвирланади. Шакл ва ҳажмларини бўрттириб чиқаришда уларнинг атрофидаги матолар билан бирликда тасвирлаш, уларни ўзаро таъсирини, яъни рефлексини ҳам кўздан қочирмаслик тақозо этилади. Натюромортнинг яхлитлигини таъминлаш, унинг фон билан боғликликда тасвирлаш муҳим аҳамиятга эга.

### **Натюромортнинг олдинги қисмини аниқ ишлаб, унинг фазовий кўринишини ишлаб рефлексини аниқлаш**

Натюромортни умумий яхлитлигини тўла шакллантириш баробарида, нур ва сояга эътибор берган ҳолда, асосий характерли рангларни қайтма нурларига эътиборимизни қаратамиз ва рефлекслар аниқланади. Хона ёрутлигини эътиборгага олган ҳолда, расм чизишни давом эттирамиз. Ушбу услубий фонда кўйилган чойнак ва мева шаклларини соя ва ёргу қисмларига енгил ишлов

бериш орқали шаклига аниқлик киритиб борилади. Бу вазифада чойнак, мато ва мевалар иштирокида тузилган натюромортда талабани мураккаб формаларни аста-секин ўрганиб унинг фазовийлигини аниқлашадир.

Чойнак, мато ва меваларни бир-бирига нисбатан мутаносиблигини фарқлаш, соя ва ёргуларни аниқлаб, иссиқсовуқ рангларни қилинаётган ишда ифодалаш ва аниқлаш натюромортни майда деталларга бўлиб, бир-бирига нисбатан катта кичиклиги, ярим сояни, мато букламларини аниқлаб, якуний ҳолатини ўрганиб чиқамиз, бир хил рангда оч ва тўқ қисмларга ургу бериб ажратиб, таққослаб борилади.

Охирги босқичда тасвирнинг кескин ажralиб қолган қисмлари ранг ва тон жиҳатдан умулаштирилади, шу тариқа тасвирнинг яхлитлигига эришилади ва иш якунланади.

### **Назорат саволлари**

1. Натюроморт сўзига таъриф беринг.
2. Гризайл деганда нимани тушунасиз?
3. Гризайл услубида кўпроқ қайси рангларда ишланади?
4. Натюромортни бошлишдан олдин нималар қилиш керак?
5. Совуқ ва иссиқ рангларни қандай фарқлайсиз?
6. Ёруг, соя умумийлик тушунчаларга таъриф беринг.

### **Амалий топшириқлар**

1. Қирқилган меваларни ёки сабзавотларни мўйқаламда кораламалар ишлаш.
2. Гризайл услубда бир нечта этюдлар ишлаш.
3. Мевалардан ташкил топган эдюклар ишлаш.
4. Акварель ёрдамида қисқа муддатли этюдлар ишлаш.

### **Хулоса**

Юқоридаги бобда талабага амалий машғулот давомида натюроморт учун қандай буюмлар танлаш, уларни тўғри жойлаштириш, ёритиш масаласи рангларнинг табиийлигини тасвирда тўғри бажариш учун аниқ кўрсатмалар берилган. Бунга жиддий меҳнат, нозик дид ва чукур мушоҳада орқали эришиш мумкинлиги тўғрисида фикрлар баён этилган.

Натюромот яратишда тасвирланаётган предметлар жойлашуви, буюмлар сиртларининг контрастли чегараларини ҳам кузатиш муҳим

мезон саналади. Натюрмортдаги нарсаларнинг очтуклик даражаларини фарқлаш учун ундағы тус бирлігіни ўрганишда битта рангда тасвирилаш катта аҳамиятта зга. Бу усулда ижодий асарни шаша кейинчалик мураккаб натюрмортларнинг рангли тасвирини бажаришга үтиш мумкинligini билдириб мавзулар давомийлигига ишора этилган.

Гризайл усулида расм ишлашта мисоллар келтирилиб, унда мүйқаламни ишлатышимконияти борасида таҳлилий фикрлар берилған. Гризайл техникасида нур, соя, яримсоя, қайтма нурларни керакли тусда мос бүеклар билан қоплаш ва бүек суртмаларни ишлатиш босқичлари ҳақида тавсиялар берилған.

Натюрмортни рангли таввирилаш босқичида ҳар бир предметнинур ва соя, ранг, қайтма нур ва ёруғлик тушган қисмининг ифодаланишиңунинг тугалланиш даражасини очылайды. Бу жараёнда босқичма-босқич ишланған натюрмортнинг яхлитлигини таъминлаш ҳақидаги фикрни талабаларга мисол орқали күрсатиб үтилған.

### 4.1. Хона интерьерида букламалардан тузилган натюроморт

Хона интерьерда стол, стул ҳамда турли хил чиройли идишлар ва ҳар хил рангдаги матолардан фойдаланиб, натюромортни ташкил этиш мүмкін. Максад натюромортда қўйилган жисмларни тасвирлаш, умумий ранг уйғунлигига ва матоларни тахламларига эътибор бериб чизиш талаб қилинади. Иссик совук ранглар ва фонидаги мато ранги билан боғлаб нурнинг тушиши, ёруғ кучи сояning боғлиқлиги ишланади. Аввало кичик ҳажмли қофозда эскизлар, қораламалар қилиниб композицион чиройли топилишга эътибор бериш керак.

#### Текисликка жойлаштириш ва конструктив қурилиш

Предметларни жойлашувга эътибор берган ҳолда, полга, деворга нисбат кўринишни инобатга олиб форматда тұгри жойлаштиришни талаб этади. Предметларни шакли ва ҳажмини аниқлаш, катта кичик қисмларни боғлиқлик жихатларга аҳамият бериб борилади.

Планшетта конструктив жойлаштириш ва академик таҳлил этиш, қисқа муддатли қораламалар чизиб, уларнинг қурилиш конструкцияси муносабилigi, ҳар томонлама тұғри таҳлил этилганлигни, яъни соя ёруғ мутаносблигига эътибор берган ҳолда таңтаб оламиз ва планшетта жойлаштирамиз. Рангтасвирни бошлишдан аввал чизматасвирга күпроқ аҳамият бериш зарур. Чунки чизмасини аниқ конструктив, перспектива жихатидан тұғри ишланган бўлиши керак. (9- расм)



9- расм.

Бу босқич, қўйилган натюромортни қофоз юзасига тўғри жойлаштиришдан иборат бўлади. Ундан кейин натюромортдаги буюмларнинг ҳажми жиҳатидан бир-бирига бўлган катта-кичиликдаги муносабатларни аниқлаб оламиз. Сўнгра эътиборимизни биринчи ва иккинчи планларда жойлашган буюмлар, фазовий перспективаси ҳамда матоларни соя ёргуғ қисмларга аниқлик киритиб, конструктив жойлаштирилади. (10-расм.)



10-расм.

**Ранг билан ишлашда планшет қофозиға тұғри жойлаштириш, нисбатларни аниклаш**

Кейинги босқичда планшет қофоз юзига чизилган натюрмортнинг фонидаги оч ва түк тусдаги ранглар билан буюм ранги оч тұқлигига қараб туслаб оламиз. Иссик ва совуқ ранглар орқали бошлишда натюрмортнинг энг ёруғ жойи билан соя жойларини фарқи олинади.

Натюрмортни ишлашда асосий биттә рангдан фойдаланиш лозим ва ранглар уйғунлігига эътиборимизни қаратиб ёруғ ва сояларни аниклаш, буюмларни жойлашган үрнини аниклаб, ёрқин рангларга эътибор берган ҳолда жигаррангдан ишлаш жараёнини бошлаймиз. Энди натюрмортни ишлаш жараёнида биринчى босқични тугаллаб,

иккинчи босқичга ўтамиз. Иккинчи босқичдаги рангларни биринчи босқичдагига тұқ, тиник ва ёрқин ранглар орқали түлдириб, натюромортдаги буюмларга, атрофдан ва буюмларнинг бир-бирига тушаётган қайтма нурлар ва бошқа рангларни хисобга олган холда, иссиқ совуқ ранглар орқали умумий рангларига эътибор қилған холда ишимизни давом эттирамиз.



11-расм.

### **Натюроморт бұлакларини аниклаб, ёруғ-соя қисмларини ишлаш**

Натюромортдаги асосий ранглардан бири натюромортдаги буюмларнинг биринчи ва иккинчи планлардаги ҳамда, ранг ва фазо перспективасига эътибор қилишимиз зарур. Бу орқали биз биринчи пландаги буюмларнинг рангини иккинчи ва учинчи пландаги буюмларга нисбатан тұқ, тиник ва ёрқин қилиб олишимиз лозим. Негаки, натюромортдаги буюмларни ранглар орқали бир-биридан фарқлашимиз ва перспектива қонун қоидаларига эътибор қилишимиз лозим. Натюромортдаги шаклнинг мутоносиблигини фарқлаш уйғунылығигига эътибор берган холда күргазмали куролардан фойдаланиб ишни бошлаймиз. Натюромортни босқичма-

боскич рангларини ажратамиз ва деталлаштирамиз. Мато ва чиройли сопол ёки чинни идишлардан ташкил топган предметларни бўлакларга ёруғлик кучи, соянинг кенглиги, қайтма нурни жозибасига ва ранглар уйғунлигига эътиборни қаратамиз. Натюрмортни тўқ жойларига оч тус берамиз ва предметларнинг ҳажмини аниқлаймиз.

Нур ва сояни ажратган ҳолда асосий буюмларга эътибор қаратиб, рефлькс (қайтма нур)лар аниқланади, хона ёруғлигини ҳисобга олган ҳолда расм чизишни давом эттирамиз. Биринчи ва иккинчи босқичларни тугатган ҳолда охирги, яъни учинчи босқични бошлаймиз. Биз сиз билан биринчи ва иккинчи босқичдаги асосий вазифаларни бажариб бўлдик. Колган охирги вазифа учинчи босқичдан иборат бўлади. Бу босқич орқали биз натюрмортни якунига етказишимиш лозим бўлади. Учинчи босқичда натюрмортда жойлашган буюмларни ранглар орқали қисмларга ажратиб (детализация) ишлаб чиқамиз. Баъзи иш жараёнида кир бўлиб, рангларни губка ёки мўйқалам ёрдамида тозалаб қуригандан кейин тиник ранглар билан сайқаллаб (лисировка) чиқамиз.

### **Натюрмортнинг олдинги қисми ва фазовий кўринишини ишлаб якунлаш**

Натюрмортдаги рангларнинг умумий уйғунлигига хона ёруғлигига тушаётган нур ва соянинг кучини жамлаштириб, тасвир кўринишини якуний ҳолатига эришамиз. Охирги босқичда, ишимизда асосий эътиборимизни иккинчи ва учинчи пландаги буюмларга қаратган ҳолда бу пландаги буюмларни сайқаллаш орқали биринчи пландаги, яъни олдинги қисмидаги буюмларни янада бўрттириб олдига олиб чиқамиз. Шу билан натюрмортни охирига етказиб, тугатиб кўямиз. Рангларнинг уйғунлигини фарқлаш, соя ва ёруғликларни аниқлаб иссиқ-совуқ рангларни бажарилаётган ишда ифодалаш, аниқлаш, натюрмортни майда деталларга бўлиб, бир-бирига нисбатан катта-кичикилиги, ярим сояни, мато букламларини аниқлаб якуний ҳолатини ўрганиб чиқамиз, бир хил рангда оч, тўқ қисмларига ургу бериб ажратамиз ва якунлаймиз.

### **Назорат саволлари**

1. Хона интерьерида нималар ҳисобга олинади?
2. Хона интерьерида конструктив қуришга таъриф беринг.

3. Фазовий кенглиқда нималар зътиборга олинади?
4. Рефлькс (қайтма нур)га таъриф беринг.
5. Рангтасвирда чизматасвирнинг аҳамиятини тушунтириб беринг.

### **Амалий топшириқлар**

1. Кичик ўлчамда қораламалар ишлаш.
2. Уч ранг иштирокида этюдлар ишлаш.
3. Фазовийликни кўрсатган ҳолда эдюдлар ишлаш.
4. Уч босқичда қисқа муддатли этюдлар ишлаш.

### **Хулоса**

Юқорида келтирилган бобда талабаларга хона интерьерида натюрмортни ташкил этишибосқичлари тўғрисида маълумотлар берилган. Натюрмортда кўйилган жисмларни тасвираш, уларнинг умумий ранг уйгуниллигига ва матоларни тахламларига зътибор беришдек талаб билан мавзуга аник таъриф берилган. Иссиқ, совук ранглар фондаги мато ранги билан боғлиқлиги, жисмларга нурнинг тушиши, ёруғлик кучи, соянинг тиниклигига қаратилган амалий топшириқлар кетма-кетлик билан таҳлил қилинган.

Планшетга композицияни конструктив жойлаштириш академик таҳлил этилиб, қисқамуддатли қораламалар чизиб, уларнинг курилиш конструкцияси муқобилиги, ҳар томонлама таҳлил этилганлиги, яъни соя ёруғ мутаносиблигига зътибор берган ҳолда танлаш каби тавсиялар билан бойитилган. Бошланиш ва сўнги босқичда, иккинчи ваучинчи пландаги буюмларнисайқаллаш орқали биринчи (олдинги қисмидаги) пландаги буюмларни янада бўрттириб олдигаолиб чиқиши, бўйича тавсиялар амалий кўрсатилган.

## **4.2. Баҳор гулларидан тузилган натюрморт декоратив йўналишда**

Рангтасвир фанида амалий машгулотларни бажариш давомида олинган билим ва кўнникмаларни дизайн таълим йўналишдаги мутахассислигига оид мавзулар танлашни тақозо этади. Натюрмортда кўпроқ предметлар перспективасига бўлган аҳамиятни гулларни чиройлиги, матоларнинг тахламларига жалб қилишиниз керак. Декоратив натюрмортдан мақсад: натюрмортда кўзда тутилган гулларни ва матоларни тахламларининг хамда шаклларнинг характеристини аник кесимлар тарзда ишлашни ўргатишдир. Иссиқ-совук ранглар фондаги мато ранги билан боғлаб

ишлигади. Натюромортни тасвирлаш жараёнида унга ранг берганда предметлар ўлчови, ва рангларини бир-бирлари билан солиштириш орқали бажариш муҳимдир. Бажарилаётган мазкур ишда вазанинг бўйни гулларнинг баландлиги билан бир гулнинг шакли ва тузилишини иккинчи гулнинг шакли ва тузилиши билан, бири иккинчисининг ҳолатини қайтармаслиги ҳамда бир гул ранги орасидаги бошқа гуллар ранги билан солиштирилади.



12-расм.

### **Натюромортни планшет форматида жойлаштириш ва пропорцияларини аниқлаш**

Натюромортни планшет форматга конструктив жойлаштириш ва академик таҳлил этиш, қисқа муддатли қораламалар чизиб, чизилган қораламаларда жойлаштириш нуқтаи назаридан чиройли деб

топилган, жойлашганини қараб оламиз. Санъат кўп жиҳатдан ижодкор яхши қобилият эгаси бўлишлиги билан қоғоз чегаралари ичиди расмни чиройли жойлаштириб, тасвирлай олиши билан боғлик. Натюрмортнинг аввало умумий баландлиги умумий эни белгилаб олинади, сўнгра ваза ва ундаги ҳар бир гулнинг ўлчовлари, шаклларини тасвирлаш лозим.

### **Ранг билан ишлашда ўлчам, нисбатларни тўғри аниқлаш ва кичик бўлакларини ишлаш**

Натюрмортни ўлчамларини аниқлашда чизматасвирини ўрни катта. Форматда жойлаштириб олингандан сўнг иссиқ ва совук ранглар орқали бошлашда натюрмортнинг энг ёруғ жойи билан соя жойларининг фарқи олинади. Натюрмортни ишлашда асосий ўлчамларни четламасдан характерли жиҳатларга алоҳида эътибор бераб бориш лозим, ранглар уйғунлигига эътиборимизни қаратаб ёруғ ва сояларни аниқлаш ва буюмларни жойлашган ўрнини аниқлаб, ёрқин рангларга эътибор берган ҳолда ишлаш жараёнини бошлаймиз. Баҳор гуллари ва чиройли идишдан ташкил топган натюрмортдаги мато бўлакларга эътибор бериш лозим.

### **Кичик бўлакларни аниқлаб, ёруғ- соя қисмларини тўғри ишлаш**

Натюрмортдаги гуллар шаклини мутоносиблигини фарқлаш уйғунлигига эътибор берган ҳолда кўргазмали куролардан фойдаланиб ишни бошлаймиз. Натюрмортни ишлашда босқичмабосқич рангларни ажратамиз ва деталлаштирамиз. Гуллар ва чиройли идишда матолардан ташкил топган натюрмортни бўлакларига эътиборимизни қаратамиз ва ранглар уйғунлиги ҳамда энг тўқ жойларига оч тус берамиз, буюмларнинг ҳажмини аниқлаймиз. Матонинг буқланган қисмлар ўлчамларига аниқлик киритиб олинади. Томошабинни нигоҳини олиб кочмаслиги учун ёруғ қисмини ва сояни, натюрмортни марказини ёддан чиқармаслик талаб этилади.(13-расм)



13-расм.

Гулнинг шакли, баргларнинг қайси жойда жойлашганлигига аниқлик киритилиб бориш мақсадга мувофиқ. Баргларнинг ўлчамини, катта кичиклигини ёддан чиқармасдан характерини очиб беришга эришиш керак, шу билан биргаликда орқада, олдинда, сояда ёки ёруғда нурнинг тушишига, фазовий масофани кўрсатишга эришиш талаб этилади.

### Натюромортда кичик бўлакларга ажратиб ишлаш

Натюромортда ёруғ ва сояга эътибор берган ҳолда асосий буюмларга эътиборимизни қаратамиз. Бунда қайтма нурлар аниқланади, хона ёргуликигини эътиборга олган ҳолда расм чизишни давом эттирамиз. Ушбу услубий фондда қўйилган гул шаклларини соя ва ёруғ қисмларга енгил ишлов бериш орқали кузатиб турилади. Бу вазифада гул шакллари ва шиша идиш иштироқида тузилган натюромортда, талабани, нозик формаларни аста- секин ўрганиб, унинг фазовийлигини аниқлашга йўналтиради. Кичик ва катта бўлакларни характерини очиб беришда орқада, олдинда ёки ўртадалигни аниқ ва ишончли тасвирлаш

рангларни фазовий күринишини ҳисобга олиш орқали бадиий ечимни тұла очиб беришга эришилади. Олдинги ва орқа масофадаги предметларни фазовий кенглигини зәтибордан чиқармаслик талаб этилади.

### **Натюрмортнинг олдинги қисми ва фазовий күринишини ишлаб якунлаш**

Вазифаны олдинги масофасини аниклик киртиб бориш баробарида умумий яхлитликни, ишнинг марказий қисмини ёруғ ва соя кесишинасина, иссиқ ва совуқ ранглар орқали күрсатишни талаб этади. Сояни кенглиги, ёргутни үлчами, рангларни уйғулити орқали муносиблиги аникланади. Натюрмортни умумий күринишини, яхлит жойлашувини олди масофага нисбатан орқа масофани фазовий күринишида тасвирлаш, сезги қобилияти маҳсули сифатида намоён бўлади. Умумийликда шаклларни кўриш яқин масофа, ўрта масофа, орқа масофаларни аник кўрсата билиш лозим, шу билан биргаликда ёруғ ва соя, иссиқ ранглар, совуқ рангларни муносиблигини очиб бериш талаб этилади.

### **Назорат саволлари**

1. Декоратив натюрмортни ишлашдан мақсад нима?
2. Рангларнинг фазовий хусусияти деганда нимани тушунасиз?
3. Ёрқин рангларга таъриф беринг.
4. Олди ва орқа масофа рангларда қандай фарқланади?
5. Фазовий кенгликни тушунтириб беринг.

### **Амалий топшириқлар**

1. Мўйқалам билан гуллар шаклини тасвирлаш.
2. Мато букламалари иштирокида этюдлар ишлаш.
3. Қисқа муддатли кичик үлчамда этюдлар ишлаш.
4. Умумий ҳолатни кўрсатувчи этюдлар ишлаш.

### **Хулоса**

Рангтасвир фанининг амалий машғулотларини бажариш давомида олинган билим ва кўнижмалари натюрморт ишлаш жараёнида кўпроқ предметлар перспективасига бўлган аҳамиятни оширишга, хусусан гулларни чиройлиги, матоларнинг тахламларига бўлган

муносабатларда ўз аксини топади. Мавзуга мутахасисликдан келиб чиқдан ҳолда ёндашиш учун маҳорат, билим, малакавий талаблар мавзу давомида тұлалигича камраб олинган. Бунда айниқса әльтіборлы жихат натюрморт гуллари ва матолар тахламларининг ҳамда шаклларнинг характеристикин аник кесимлар тарзда ишлеш түрсіде фикрлар берилған. Натюрмортны тасвирлаш жараёнида иссиқ-совуқ ранглар фондаги мато ранги билан унга ишлатылған ранг предметлар ҳажми ва рангларини бир-бирига мутаносиблигини солишириш орқали бажаришбүйічә тасвиялари келтирилған.

#### **4.3. Архитектура ёдгорликларининг бир қисми иштирокида тузылған натюрморт**

Бу вазифа талабанинг гипсдан ясалған мураккаб архитектура ёдгорликларининг бир қисми бұлған капител иштирокида, құшимча предметлар ( ваза, лаган, мевалар турли хил рангдаги матолар ва ҳ. к.) формаларни аста-секин үрганишига ёрдам беради. Юкорида талаб қилинганидек, архитектура ёдгорликларининг бир қисмини планшет юзасига тұғри жойлаштириш гипсдан ишланған постановкани мұхим жисмлардан бири бұлғаны сабабли талабадан ушбу шаклға мохирона ёндашиб, архитектура ёдгорликларининг бир қисмининг шакл-шамойили ва нозик пластик ечимини тасвирлаш талаб қилинади.

#### **Натюрмортни планшет қоғоз форматта жойлаштириш**

Натюрмортни форматда жойлаштириш асосий мувозанатни тұғри топишига боғлиқ. Қоғоз формат текислигиде тепа ва пастки қисмларга әльтібор қаратыб, архитектура қисми(капител)ни үлчамлар бирлигиде конструктив қурилишини топиб олинади. Ёнидеги ёрдамчи предметтің жойлашувины таққослаб, үлчамларини нисбий олиб, тасвирни шакллантириб олиш лозим. Бу үрінде тасвирни олдиндан якуний қисмини күра билиш мохирликни талаб этади.

Үкүв машғұлтларыда натюрмортни ишланғанда, аввало, жойни тұғри танлашдан бошламоқ керак. Ҳар томондан соя ва ёруғлиги аниқ күриниб туриши лозим. Фон учун ранг ва тон жиҳатидан өркін, түқ бұлмаган (нейтрал) мато танланади, архитектура қисми (капител) рангтасвирини сувбүйінде тасвирлаш, чизматасвир,

перспектива фанларидан олинган билим ва кўникмаларга асосланиб ишланиши назарда тутилади.

## **Натюромортни конструктив қуриш**

Натюроморт узоқ вақт ишланадиган алоҳида кичик этюдлар, қораламаларда қилинади. Бу қораламаларда натюромортнинг композицион жойлаштириш схемаси аниқланади. Рангда ишлаш учун чизикларни енгил ўтказиш йўли билан буюмларнинг тасвир текисликдаги композициясини топишдан бошланади. Қозоғ юзига натюромортдаги предметларнинг жойлари умумий конструктив қурилиши белгилаб чиқилади.

Натюромортдаги предметлар гурухинининг конструктив қурилиши нима? Уни қандай "қўриш" ва тушуниш мумкин? Натюромортда предмет (капител)ни ёрдамчи чизиклар асосида ҳар бир текисликни қўриш нуқтасидан шакллантириб, доира, тўртбурчак цилиндр шаклдан келиб чиқиб, умумлашган тасвирини яратиш ҳакидаги тушунча натюромортдаги предметлар гурухинин конструктив қурилишидир. Бу гурухнинг энини, бўйини, ҳажмини ва бир-бирига бўлган нисбатини аниқлаймиз. Рангтасвир билан шуғулланишдан аввал буюмларнинг конструктив тасвирини яратамиз.

Конструктив расм предметларни тасвирилашда уларнинг асосий ўлчамлари олиб чизилган чизикли перспектива асосида яратилади. Планшетда жойлаштириш, чизматасвирда олинган билим ва кўникмалар асосида конструктив қуриш, фазовий перспективани ҳисобга олган ҳолда шакллантириш лозим. Кичик ҳажмли деталларни сояси, ёруг тушишига қараб ҳаво, қайтма нурини тасвирда аниқлик киритиб боришни талаб этади. Ўлчамлар топилиш баробарида характеристини аниқ белгилаб олиш ва босқичма-бочкин шакллантириб борилади.

## **Натюромортга ранг бериш**

Натюромортни рангда бошлашдан олдин, композицион таҳлили, конструктив ечим тўла шакллантирилиб, сўнг рангларини тасвирилаш муҳим. Ранг беришда натюромортни энг тўқ соя жойдан бошлаш тавсия этилади, соя ва ёруғлик даражаси рангларда иссик ўсовуқ рангларни муносабатини ёддан чиқармаслик керак. Олдинги масофадаги деталларни аниқлаштириш баробарида фазовий (ҳаво)

перспективасини рефлекс (қайтма нур)ларни тасвирида аниклик киритиб, ўрта масофа ва орқа масофа фарқларини сезиларли даражада кўрсатиб бериш керак

Кейинги босқичларда соя ва яримсояларини тўқлаштириб, рефлексини ҳам кўздан кочирмасдан ишлаш ва ёруғ қисмларни қозонинг оқлиги даражасидан келиб чиқиши мақсадга мувофиқдир. Шу билан биргаликда натюрмортнинг яхлитлигини таъминлаш, унинг фон билан ботликларни тасвирилаш мухим аҳамиятта эга. Охирги босқичда тасвирнинг кескин ажралиб қолган қисмлари ранг ва тон жиҳатдан умулаштирилади, шу тариқа тасвирнинг яхлитлигига эришилади ва иш якунланади.

### **Назорат саволлари:**

1. Акварелда натюрморт ишлаш нимадан бошланади?
2. Натюрмортга ранг беришда қаердан бошлаш керак?
3. Композицион тўгри топиш деганда нимани тушунасиз?
4. Хаво перспективасига таъриф беринг?

### **Амалий топшириклар:**

1. Акварелда содда кўринишдаги икки-уч предметлардан иборат натюрморт ишланг.
2. Меъморий манзараларни акварелда ишланг.

### **Хулоса**

Ўкув қўлланмада фан доирасидаги мавзуларга аник тушунарли, асосли таърифлар келтирилиб, машғулотларда натюрмортни ишланиш босқичлари, уларга ранг бериш жараёнлари тўғрисидаги фикрлар билан бойитилган. Рангтасвир фанини ўргатишдан мақсад ва вазифаларни талабаларга тушунарли тарзда берилган, табиатдаги, реалижтимоий борликдаги мавжуд рангларни хис қилиши, ундаги жилонинг қанчалик жўшқин, сокин ва айни вақтда ёрқин, ўзаро қарама-қаршилигини хис этиш ва ўзига хос ўйгунилигини ўрганишдан иборатлиги тушунарли талқин этилган.

Рангтасвир фанини ўрганишда дастлаб геометрик фигуналар, мева сабзвотлардан иборат натюрморт, кейинчалик, портрет, аёл ёки эркак қоматини тасвирилашнинг мухим босқичи, соя ва нур,

иссик ва совуқ рангларда ҳаво перспектvasи орқали борлиқни кўрсатиш тушунарли қилиб талабага етказилган.

Асосий мақсад қилиб амалдаги ўқув дастурига кўра, ўқиш давомида яъни, натюроморт, этюдлар ишлаши натижасида анча маҳоратга эга бўлиб, малакавий билимини оширишга қаратилган. Расм чизиш назарияси ва техникасини ўзлаштириб олишнинг асосий шартлари бу расм чизиш билан мунтазам равиша шуғулланиш, дарсдан ташқари вақтларда хомаки ишлар (кораламалар) қилиш, инсонни ўраб олган борлиқка ва ҳодисаларга синчков муносабатда бўлиш, уларни ўрганиш, кўргазмаларга ва тасвирий санъат музейларига тез-тез бориб туриш, тасвирий ва амалий санъат асарларидан фото ва босма нусхалар, открытикалар тўплаш, тасвирий санъатга ва санъатшуносликка оид адабиётлардан мунтазаи ўқиб туриш, мумтоз рассомлар асарларидан нусха кўчиришли тавсия этилган.

Тасвирий санъат билан шуғулланиш инсонга эстетик завқ бағишилайди, унинг руҳий дунёсини бойитиш баробарида, тасаввур оламини бойитиб боришга ундейди. Шундан келиб чиққан ҳолда тасвирий санъатта оид Академик билимларни эгаллашнинг барча босқичлари, ижодий масалалари, ечими мавжуд воқеиликни ўрганиб тафаккур этиши (фирклаш) ва уларни бадиий образлар шаклида яратиш билан боғлиқлик талабага тушунарли тарзда ёритилган.

Рангтасвир фани бадиий ўқув юртларида юритиладиган барча маҳсус фанларнинг асоси ҳисобланади. Ёш рассомлар учун композиция, ҳалқ амалий санъати, дизайн ва бошқа фанларни юқори даражада ўзлаштириш унинг сифат даражасини таъминлайди. Рангтасвир машғулотларини ўқитишнинг назарий ва услубий асосларини ишлаб чиқиши илмий жиҳатдан асослаш, унинг шакли, изамнуни кўрсатиши долзарб муаммолардан ҳисобланади. Ушбу ўқув кўлланмадаталабаларфанини ўрганиши жараёнида тасвирий санъатда Рангтасвир воситалари, усуслари ҳамда элементлари ҳақида сўз боради. Талабалар олган назарий билимларини бадиий асар яратишида ҳамда амалий жиҳатдан малакавий билимларини оширишда ёрдам беради.

Ушбу ўқув кўлланма Дизайн таълим йўналишидаги талабаларга Рангтасвир фани учун мўлжалланган бўлиб, у бугунги кун талаб меъёрларини ҳисобга олган ҳолда тузилган.

“Рангтасвир” фани бўйича ёзилган ушбу ўқув кўлланма, талабаларнинг дунёқарашини шакллантириш, бадиий эстетик

маданият ва бадий сезгисини тарбиялаш, ижодий тасаввур ва образли фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, билим, малака ва күнікмаларга эга булиш учун, талабаларга санъат асарини кенгтахылліл қилиш малакасини ошириш, атроф-мухитдан олган таассуротларини танлаб олиб, ижодий, образли шаклда хақоний тасвираш асосида асар яратында йүл-йүрик күрсатадио Чизматасвир ва рангтасвир санъатининг үзиге хос хусусиятларини англаш, хомаки чизгилар, хәләт дүнёсининг бойитында тасаввур оламининг кенглиги, предметнинг перспектив құринишини шакллантиришда борлықнинг реал құринишини тасвираш маҳорати, мавзу доирасида ифодаликка хизмат қилувчи тасвирий ашёлар, мухитни ташкил этувчи атрибутлар хисобга олиш, ҳар бир ҳолатни умумлаш, рассом санъаткор сифатида эса воқеликка бўлган дунёқарашни соя-ёргуғ мушоҳадасини тасвираш, предмет характерини тўлақонли очиб беришни ўзлаштиришига амалий ёрдам беради.



14-расм.



15-расм.



16-расм.



17-расм..



18-расм



19-расм.



20-расм.



21-расм.



22-расм.



23-расм.



24-расм.



25-pac.m.



26-pac.m.



27-расм.



28-расм.



29-расм.



30-расм.



31-расм



31-расм.



32-расм.



33-расм



34-расм



35-расм



36-расм



37-расм



38-расм



39-расм



40-расм



41-расм



42-расм



43-расм



44-расм




45-расм



46-расм



47-расм



48-расм



49-расм



50-расм



51-расм



52-расм

## ТАСВИРИЙ САНЪАТ АТАМАЛАРИНИНГ ИЗОХЛИ ЛУГАТИ

### A

**Абрис** - чегара чизик, сувратдаги тасвир, ранг ва тусларнинг чегарасини белгилайди.

**Абстракционизм** - лотин тилидан олинган бўлиб, мавхум, ноаниқ деган маънони англатади. Бу оқим XIX аср охири XX аср бошларида Европада пайдо бўлган. Санъатдаги мазкур йўналиш намоёндалари нарса ва ҳодисаларни реал тасвирилашдан воз кечганлар. Уларнинг асарларида борлик эмас, ижодкорнинг ҳистайтўғулари, шакл ва ранглар ўйини акс этган. Абстракционизм оқимидаги асарларда маъно ва мазмун айрим доғ, ҳажм, чизик, рангларнининг тартибсиз ҳаракати орқали тасвириланади.

**Автолитография** - юононча тошга чизаман деган маънони англатади. Унда рассом ўз асарини тош устига ишлаб, сўнгра ундан қоғозга тошбосма услубида тасвир олади.

**Авангард** француз тилидан олинган бўлиб, "олдиндаги қўрикчи" маъносини англатади. Авангардизм оқими XX аср бошларида Францияда пайдо бўлган. Унинг тарафдорлари санъатни тубдан янгилашни мақсад қилиб олганлар. Авангардизм оқими вакиллари ўша давргача мавжуд бўлган реализм, романтизм, импрессионизм каби оқимларни танқид қилиб, санъат асарларига замонавийликни олиб киришга уринганлар. Уларнинг гоялари XX аср бошларида мавжуд бўлган кубизм, формализм, футуризм, сюрреализм, экспрессионизм каби оқимларда ўз аксини топган.

**Автопортрет** - "Авто" сўзи юонон тилидан олинган бўлиб, ўзим маъносини англатади. Автопортрет эса ўзимнинг портретим, демакдир. Кўпчилик рассомлар ойнага караб, ўзларининг портретларини ишлашади. Автопортретда рассомлар ўзларининг феъл атворлари, табиати, ички дунёсини курсатмоқчи бўладилар.

**Академизм** - тасвирий санъатдаги академик услугга асосланган бадиий йўналиш. Баъзида бу ном билан янги бадиий йуналишларни ҳам аташади.

**Акватинга** - металлга чукур ўйиб ишланадиган гравюранинг бир тури. Бунда рассом металл тахтачанинг айрим жойларига аввал асфальт кукунини сепиб, кейин уни азот кислотасида ювади.

**Акварель** - лотин тилидан олинган бўлиб, сув маъносини англатади. У сувда яхши эрийдиган ва ювиладиган майин, шаффоф

бүёк. Акварель тасвири ниҳоятда рангли, нафис ва нозик, у күпинча қоғоз устига ишланади.

**Аллегория** - юнонча "узгача ифодалаш", яъни мажоз маъносини англатади. Бу йўналишдаги ижодкорлар мавхум тушунча ва гояларни аниқ образлилик, бадиийлик ёрдамида рамзий тарзда, муайян нарса, воқеалар орқали ифодалайдилар.

**Алля прима** - ҳўлланган қоғоз устида акварель бўёк билан тезда расм ишлаш усули.

**Анимал жанр** - хайвонот дунёсини, жониворларни тасвирловчи тасвирий санъат жанри. У мультиликацион фильмларда ҳам кенг куланилади.

**Анималист** - хайвонларни тасвирловчи рассом, ҳайкалтарош.

**Антик санъат** - қадимги деган маънони билдиради. Бунда қадимги даврлардаёқ тараққий этган қадимги Юнон, Рим санъати назарда тутилган.

**Аппликация** - лотинча сўз бўлиб, ёпиштириш маъносини англатади. Мазкур тасвирлаш техникаси табиий (барг, тош, мева-сабзовотларнинг уруғ ва пўчоқлари), бадиий (рангли, фольга қоғозлар ва бошк.) ва ташландик (газмол парчалари, доридармондан, хужаликда ишлатилиб бушаган нарсалар ва бошк) материаллар ёрдамида текислик устига ёпиштириш усулида бажариладиган тасвирий ишдир.

**Асосий ранглар** - қизил, сариқ, зангори ранглар шундай деб аталади. Бу рангларни бир-бирлари билан аралаштириб, бошқа кўп ранглар олинади.

**Ассиметрия** – юнон тилидан олинган бўлиб, симметрик эмас деган маънони англатади. Тасвирий саънатда асаддаги деталларни, сувратни чап ва ўнг ёки юқори ва пастки томонларидаги тенглик, ўхшашлик аломатларининг йўқлиги ассиметрия ҳисобланади.

**Афсонавий жанр** - ҳалк оғзаки ижоди асосида тасвирий санъат намуналарини акс эттирувчи жанр. Бундай жанрда яратилган тасвирлар афсонавий одам ва маҳлуқлар (ҳайвонлар) бўлиб, ҳақиқатда улар ҳаётда бўлмайди. Масалан, дев, аждар, кентавр, сув париси, пегас, путти, трифон ва бошқалар шулар жумласидан. Афсонавий жанрда яратилган ишларнинг аксарияти рангтасвир ва ҳайкалтарошликка хосдир.

**Ахзар** - ранг номи, медицинада ишлатиладиган зелёнканинг ранги.

**Ахроматик ранглар** - юонон тилидан олингаи бўлиб, рангсиз деган маънони англатади. Улар оқ кора, кулранг ва уларнинг аралашмасидан хосил бўлган туслардир.

## Б

**Бадий апъана** - кадимдан инсон фаолиятининг адабиёт, санъат каби соҳаларида эришилган ва сакланиб қолинган илғор ютуқлар ҳамда тажрибалар мажмуи.

**Барельеф-** французча "паст рельеф" маъносини англатади. Ҳайкалтарошликда ишлатиладиган рельеф атамасининг бир тури. Рельефнинг бу турида тасвир текислик юзасидан, унинг ҳакиқий ўлчамининг ярмидан кам нисбатида буртиб чиқади. Масалан, танга, металлар бунга мисол бўла олади.

**Багет** - тайёр расм, суврат кабиларни ичига жойлаштириш учун мўлжалланган ва сирти ўйма металл ёки ганч нақшлар билан безатилган тўртбурчакли мослама.

**Бадий кўргазма** - дейилганда тасвирий, амалий, меъморчилик санъати асарлари ёки лойихаларнинг оммага намойиш этилиши тушунилади. Улар музей, галерея, санъат саройлари ва ижодий марказларда ўtkазилади. Кўргазма бир ёки бир неча муаллифларнинг ёки тасвирий санъатнинг айрим тур ёки жанрлари бўйича ҳам ўtkазилади. Улар даврий ёки доимий ва кўчма тарзда ўtkазилиши мумкин. Бадий кўргазманинг ҳалқаро, мингакавий, миллий турлари ҳам бор. Бадий кўргазмада биргина асарнинг кўйилиш ҳоллари ҳам булган. Масалан, кўп йиллардан буён Леонардо да Винчининг "Мона Лиза-Жоконда" номли асари якка тарзда кўчма кўргазмаларда намойиш этиб келинмоқда.

**Бадий академия** - бу ном билан асосан рассом, ҳайкалтарош, меъморлар тайёрлайдиган олий ўкув юртлари деб аталади. Шунингдек, бу ном билан нафакат ўкув юрти, балки уларга раҳбарлик қиласидиган, ташкилий ишларни олиб борадиган давлат муассасалари ҳам юритилади. Масалан Ўзбекистон Бадий академияси.

**Баргикарам** - бу ном карам баргининг ранги.

**Батал жанри-ҳарбий** мавзууни, яъни урушга оид жангу жадалларни акс эттирувчи тасвирий санъат жанри. У тарихий жанрнинг бир тури сифатида қаралиши ҳам мумкин.

**Баталист-ҳарбийлар** ҳаёти ва уруш, жанг лавҳаларини тасвирлайдиган рассомларга кўйиладиган касбий ном.

**Бинафша** - ранг номи, бинафша гулининг ранги.

**Блик** - нарса ва тасвирларнинг энг ёргуғ, ялтироқ жойи.

**Бош безак** - китобларнинг ички безаги ва варақнинг энг тепа қисмида бериладиган тасвир. Улар рангли ёки нақшли булиши мумкин.

**Бронза** - мис, қалай, алюминий, бериллий, қурғошин каби металлар аралшасидан ҳосил булган қотишма (жез). Унинг туси кумуш рангни эслатади.

**Бучарда-ҳайкалтарошнинг тоштарошлиқда қўллайдиган иш асбоби.**

**Буёқ-** тасвирий санъатда, шунингдек, бадиий безак ишларида ишлатиладиган қоришка. Унинг мойбуёқ, акварель, гуашь, темпера, эмаль, эмулсия каби турлари бор.

**Биеннале** - икки йилда бир марта бўладиган кўргазма номи.

**Бюст** - французча сўз бўлиб, "кўкрак" маъносини англатади. У одамнинг кўкрагидан юқори қисмини тасвирлайдиган ҳайкал хисобланади.

## B

**Вернисаж** - кўргазманинг очилиши. Дастрлаб у Францияда "кўргазмадан олдин рангтасвир асарлари сатҳига лок бериш" -деган маънони англатган.

**Витраж** - ойна устига буёқ билан ишланган рангтасвир. Витражни икки томонлама кўриш мумкин. Улар кўпинча маъмурий, ўқув юртлари биноларининг, уйларнинг эшик ойналарига ишланади.

## G

**Галерея** - тасвирий ва амалий санъат асарлари сакланадиган ва кўргазмалар ўтказиладиган маҳсус бино.

**Гамма** - ўзаро уйғун ранглар йигиндиси бўлиб, унда биронта ранг етакчилик қиласи. Масалан, илиқ ранг гаммаси, совуқ ранг гаммаси, ёрқин ранг гаммаси шулар жумласидан.

**Глиптика** - қимматбаҳо тошга ўйиб туширилган тасвир, баъзида зеб-зийнат ва муҳр ўрнида ҳам ишлатилади.

**Гравёр** - металл, тош, ёғочга ўйиб тасвир ишлайдиган уста, рассом.

**Гравюра** - французча сўз бўлиб, "уяман" маънони билдиради. Гравюра металл, ёғоч, линолеум, тош каби материалларни маҳсус асбоблар билан уйиш орқали ҳосил қилинадиган ва улардан қоғозга кўчириладиган тасвир тури.

**Грифон** - қадимги Шарк санъатида учрадигантанаси арслон, калласи ва қаноти бургутсимон афсонавий махлук тасвири.

**Гризайль** - тасвир усули бўлиб, биргина бўёқ билан ишланган тасвир. Бунда кўпинча қизғиши, қора, жигар, зангори ранглар қулланилади.

**Грунт** - тасвир ишланадиган замин. У картон, бўз, девор бўлиши мумкин. Унга тегишли қоришма суртилган бўлади.

**Гуашь** - итальян тилидан олинган бўлиб, "сувли буёқ" маъносини англатади. У сувда яхши эрийди. Гуашь бўёғи акварелдан қозоз юзасига бир неча қават қилиб, турлича қалинликда берилиши мумкинлиги билан фарқланади.

**Гулгун** - ранг номи, кечки шафак пайтида рўй берадиган кўриниш ранги.

## Д

**Дастгоҳли рангтасвир** - рангтасвирнинг дастгоҳ (мольберт) да ўрнатиб ишланадиган тури. Рангтасвирнинг бу турида тасвирланаётган одам, хайвон ва бошқаларнинг ўлчамлари ўзининг ҳақиқий ўлчамидан катта бўлмаслиги лозим.

**Деворий рангтасвир** - (фреска, алфреско) - уй шифти, деворга берилган сувоқ қуриб улгурмасдан унинг устига ишланган тасвир. Улар баъзан шифт, девор устита қопланган мато, қозоз устига хам ишланади.

**Декорация** - театр саҳнасида спектакль мазмуни билан боғлиқ ҳолда тасвирланадиган безак. Улар рангтасвир ва бутафор шаклида бўлади.

**Диптих** - кўш тасвир. Кўпинча улар бир мавзу ва бир-бирига якин мазмунда бўлиб, ёнма-ён намойиш этилади.

## Ё

**Ёдгорлик хайкал** - машҳур ва тарихий шахсларга бағишилаб ишланган хайкал. У маҳобатли, рельефли ёки дастгоҳли-юмалоқ бўлиши мумкин.

**Ёргуғ-соя** - (ёргуғ ва соя) тасвирий санъат назариясига доир атама. Уни ёргуғ ва соя қонуни деб ҳам аташади. У тасвирланаётган нарсалар ёки тирик мавжудотлар қаламтасвири ва рангтасвирининг ҳажмли қилиб ишланишида қўлланилади.

**Ёргуғ (шуъла)** - тасвирий санъатнинг назарий асосларига оид атама бўлиб, нур ва соя қонунига тегишилайдир. Маълумки, ҳар қандай нарса ва мавжудот ҳажмлидир. Расмда уларнинг ҳажмли

эканлигини ёргулантирмасдан туриб, кўрсатиб бўлмайди. Бунда нарсанинг ёргулик манбаига қараган кисми ёруғ, тескари томони соя бўлади. Уларнинг ўртасидаги кисми ярим соя дейилади. Ёруғ атамаси шундан келиб чиқкан.

## Ж

**Жанр** - ҳаёт лавҳалари, кўринишларини унинг мазмунига кўра тасвирловчи бадиий асар тури. Масалан, манзара, натюроморт, майший, портрет каби а тасвирий санъат жанрлари мавжуд.

**Жангнома** - (батал) ҳарбий мавзудаги тасвирий санъат асарларининг жанри.

**Жайдари ранг** - локал ранг. Тасвирланаётган нарса, буюмнинг асосий ранги ёки бир ранг билан аталиши. Масалан: барг - яшил, осмон зангори.

**Жигарранг** - ранг номи, ҳайвонларнинг жигари рангига ўхшаш ранг. Баъзан уни "қўнғир" деб ҳам аташади.

## 3

**Зарҳал** - ранг номи, тилласимон ранг.

**Зарғалдоқ** - ранг номи. Апельсин, мандарин ёки қовоқнинг ички рангига ўхшаш.

**Зангори** - ранг номи, тўқ осмон ранги.

**Заъфарон** - ранг номи, тўқ сарик ранг.

**Зарҳал ҳарф** - китобларнинг боб ва фасллари матн қисмидаги безакли ёки йирик қилиб ишланадиган биринчи ҳарфи.

**Зумрад** - ранг номи, яшил ялтироқ тош рангига яқин ранг.

## И

**Иллюстрация** - лотинча бўлиб, "кўргазмали" тасвирлаш, ёритиш маъносини англатади. Улар оқ-кора ёки рангли расмлар, суврат, схема, жадвал, диаграмма шаклида бўлиб, китоб, журнал, газеталарнинг мазмунини осон ва тез идрок этишга ёрдам беради.

**Илиқ ранглар** - кишиларда илиқлик (иссиқлик) ҳисларини уйғотувчи ранглар. Улар қизил, сарик, зарғалдоқ, малла, новвоти, кирмизи, пушти, шингоб, сабза, садаф, лоларуй, гулгун, норанжваш, сомоний, баргикарам каби ранглардир.

**Импрессионизм** - французча бўлиб, "таассурот" маъносини англатади. Бу ижсдий оқим XX аср бошларида Францияда шаклланган бўлиб, санъат асарларида рассомлар ҳаётдаги мураккаб

жараёнларни тез, осон идрок этиладиган қилиб тасвирлашга харакат қылдилар. Ҳаётдаги реал борлиқни харакатда ва ўзгарувчанликда, ҳаётдаги энг характерли дақиқаларни реал, ҳәқиқатда қандай бўлса, шундай тасвирлаганлар. Уларнинг асарларига суврат деталларининг мувозанатда бўлмаслиги, композициянинг бир нечта бўлакларга бўлиниши хос.

## К

**Карикатура** - итальянча сўз бўлиб, "бурттириб тасвирлаш" маъносини англатади. Бундай ҳажвий расмларда ижтимоий, сиёсий, маиший мавзулар акс этади. Карикатура мавзусидаги расмларда айрим воқеа ва шахслар танқид қилиниб, юмор, кулги тарзда кўрсатилади. Айрим холларда баъзи кишилар дўстона ҳажвий тарзда ҳам ифодаланиши мумкин. Карикатура жамиятда рўй беряётган хўжасизлик, исрофгарчиллик, порахурлик, лаганбардорлик, ичкиликбозлик каби салбий иллатларга қарши курашда катта аҳамиятга эга.

**Каталог** - бадиий асарлар, шу қатори тасвирий санъат асарларнинг муаллифлари ва уларнинг номлари, яратилган йили каби маълумотлар ёзилган нашрий рўйхат.

**Кентавр** - қадимги Юнонистон ҳайкалтарошлигига учрайдиган танаси от, боши одам шаклидаги афсонавий маҳлук тасвири.

**Контраст** - французча бўлиб, "кескин зиддият" маъносини англатади. Тасвирий санъатда оч ва тук, оқ ва қора, илиқ ва совук ранглар, ижобий ва салбий образларнинг ёнма-ён туриши контрастлиликни келтириб чиқаради.

**Композиция** - бадиий асарларда (адабиёт, мусиқа, тасвирий санъат, амалий санъат ва ҳоказо) қўлланиладиган атама, у "тузиш, қуриш" маъносини англатади. Асарда бадиий образлар ва воситаларнинг ўз ўрнида шакл, ранг, мазмун жиҳатдан қурилиши унинг композициясини англатади ва композиция бадиий образларнинг ифодавийлигини оширишга хизмат киласи.

**Композиция воситалари** - ижодкор томонидан асарни яратища қўлланиладиган асосий тасвирлаш техникаси. Улар қаторига чизиклар, ранглар, оқ, қора доғлар, колорит кабилар киради.

**Конструктивизм** - лотин тилидан олинган бўлиб, қуриш (ясаш) маъносини англатади. Мазкур оқим санъат ва адабиётда XX асрнинг биринчи чорагида вужудга келган.

Бу оқимдаги рассомларнинг ижоди тасвирий ва амалий санъатда идиш-товоқлар, уй-жихозлари, кийим-кечак, кабиларнинг янги

нусхаларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ. Мазкур оқим китоб графикаси, театр безаклари соҳасида ҳам ўз ифодасини топди. Натижада анъанавий театр безакларининг ўрнини ҳаракатли жиҳозлар эгаллади. Конструктивизм охир-оқибат дизайн санъатини келтириб чиқарди.

**Кулранг** - ранг номи, ёқилган ўтингдан қолган кулнинг рангини ифодаловчи ранг туси.

**Кумушранг** - ранг номи, кумуш металл рангига яқин ранг.

## Л

**Левкас** - рангтасвир ишлаш учун ишлатиладиган қоришка. У мато, картон каби материалларнинг устки қисмини маҳсус суюқ-қоришка билан ёпиб чиқиш орқали тайёрланади.

**Лессировка** - рангтасвирга хос жараён бўлиб, у тайёр ишнинг устини пардозлаш, сайқаллаштириш маъносини анатлади. Бунда куриган тасвир устидан ёрқин ёки ёқимли бўёқ берилади.

**Лоларўй** - ранг номи, лола гулининг рангига ўхшаш ранг.

**Ложувард** - ранг номи, энг тўқ зангори ранг.

## М

**Манзара** - тасвирий санъатнинг жанрларидан бири. Унда табиат, шаҳар, шунингдек, индустрӣал, яъни саноат корхоналари ва ускуналарига оид кўринишлар тасвирланади.

**Маиший (турмуш) жанр** - деб кишиларнининг кундалик ҳаёти, турмуши, меҳнатини акс эттирувчи тасвирни санъат жанрига айтилади.

**Манера** - тасвирий санъатда рассом ёки ҳайкалтарошнинг ўзигагина хос иш услуби.

**Малла** - ранг номи, лимон мевасининг оч туси.

**Маҳбатли рангтасвир** тасвирланувчиларнинг ҳақиқий улчамидан катта қилиб ишланган суврат. Улар купроқ деворий рангтасвирда купқулланилади.

**Маҳбатли ҳайкал** - тасвирланувчи одам ёки ҳайвонларнинг ўз ўлчамларидан катта қилиб ишланган ҳайкали.

**Мольберт** - рассомнинг суврат яратишда ишлатадиган иш асбоби (дастгоҳ).

**Меценат** - санъат ҳомийси.

**Мойбўёқ** - рангтасвирда ишлатиладиган асосий ашё (бўёқ) бўлиб, у маҳсус қоришка мой ёрдамида эритиб ишлатилади.

**Мовий** - ранг номи, эрта тонгдаги соф осмон ранги.

**Мозаика** - рангтасвирнинг бир тури, қаттиқ материаллар ҳисобланган кошин, рангли шиша, мармар, тош, ёғоч, металл парчаларини текис юзага маҳсус қоришмалар ёрдамида ёпишириб, яратиладиган тасвирлаш техникаси. Бундай асарлар кўпинча деворга, шифтга, уй полига ишланади.

**Мошранг**- ранг номи, мош рангига яқин ранг.

**Мўйкаlam** -қилкаlam, рассомлар ишлатадиган иш куроли. Улар асосан жундан ёки синтетик материаллардан тайёрланади.

**Мум (воск)** ҳайкали - асалари мумидан рангли қилиб тасвирланадиган ҳайкал. Кўпинча машҳур шахслар ҳайкали шу йусинда ишланади. Мум ҳайкалларда ҳақиқий лиbosлар ва турли иш куроллари ҳам кўлланилади.

## H

**Натура** - тасвирлаш учун мўлжалланган одам, ҳайвон, манзара, предмет ва бошқаларнинг умумий номини англатувчи атама.

**Натурщик** – рассом ёки расм ишловчи олдида туриб, тасвирланувчи (натура) вазифасини ўтаётган одам.

**Натюроморт** - французча бўлиб, «жонсиз натура» деган маънени англатади. Мазкур жанрда гуллар, мева ва сабзавотлар, уй-рўзгор буюмлари, санъат ва спорт анжомлари акс эттирилади.

**Натюроморт жанри** - тасвирий санъат жанрларидан бири.

**Нилгун**- ранг номи, оч жигар ранг.

**Норанжваш** - ранг номи, апельсин рангига яқин ранг.

**Новвоти** - ранг номи, новвот рангига ўхшаш ранг.

**Новшадил** - ранг номи, ўткир ёрқин яшил ранг.

**Нофармон** - ранг номи, оч бинафша ранг.

**Нюанс**–французча сўз бўлиб, нарса ва ходисалардаги, тасвирдаги "нозик, кўз яхши илғаб ололмайдиган, фарқ килувчи жиҳатлар" деган маънени англатади.

**НЮ** - тасвирий санъат жанрларидан бири, унда кишилар, кўпинча аёллар яланғоч тарзда тасвирланади.

## O

**Оқ** - ранг номи, пахта ранги.

**Оригинал** - асли, асл нусха, асл кўриниш, баъзан "янги, ҳеч кимга ўхшамаган" деган маъноларини ҳам англатади.

**Офорт** - французча "кислота" маъносини англатади. Офорт гравюранинг бир тури, унда тасвир аввал кислота ёрдамида металлда (мис, қурғошин) ҳосил қилиниб, сўнг қофозга кўчирилади.

**Оттиск** - рус тилидан олинган, биронта тасвир ёки матнни босмахона шароитида кўп нусхада, одатда қофоз ёки бошқа материалга кўчирилиши маъносини билдиради.

**Олдинга интилувчи ранглар** - ранглар доирасида кузатувчи эътиборини тез ўзига тортувчи ранглардир. Улар асосан, илик ранглар - қизил, сарик, зарғалдок, пушти ва бошқа шу кабилар.

**Оркага интилувчи ранглар** - ранглар доирасида кузатувчи эътиборини ўзига тортмайдиган ранглар. Улар асосан, совук ранглар - зангори, ҳаворанг, яшил, бинафша каби ранглар.

**Палитра** - французча юпқа пластинка деган маънони англатади. Улар ёғочдан ишланади. Палитрапар металл, пластмасса, чинни каби материаллардан ҳам ишланиши мумкин. Палитрапар бўёқларни аралаштириш учун тайёрланган булиб, рангтасвирчи рассомнинг иш қуроли хисобланади. Ақварель бўёқларни аралаштириш учун бир парча тоза қофоз ҳам палитра вазифасини уташи мумкин.

**Панно** - лотин тилидан олинган, "мато парчаси" маъносини англатади. Паннолар кўпинчча мойбүёқ билан мато устига ишланади. Улар маҳсус жойга ўрнатиш учун мўлжалланади, рангли, рельефли ва нақшли ҳошия билан чегараланган бўлади.

**Панorama** - юон тилидан олинган, "кўриниш" маъносини англатади. Панорамада сувратлар айлана, ярим айлана шаклидаги узун деворга ишланади. Шунингдек, унда рўй бераётган воқеа ҳақида тўлик тасаввур ҳосил қилиш мақсадида суврат олдига бутафор тасвирлар, уй макетлари, одам, ҳайвон, табият шакллари жойлаштирилади. Панорамаларни томошибинлар залдаги маҳсус ажратилган жойдан туриб кузатадилар.

**Папье-маше** - француз тилидан олинган, "эзилган қофоз" маъносини англатади. Бу услубда тасвир қофоз, картон каби материаллар сиртида елимли моддалар, крахмал, гипс кабиларни аралаштириш оркали ҳосил қилинади. Бундай тасвирлардан ўйингчоклар, уй-рузғор буюмлари, таълим жараёнида қўлланиладиган дидактик материалларни тайёрлашда фойдаланилади.

**Пастель** - итальян тилидан олинган, "хамир" маъносини англатади. Рассомлар ундан қоралама ва график ишларда кенг фойдаланадилар. Пастеллар рангли, ингичка бур шаклида булиб, уларнинг қофозга ёпишкоклик хусусияти кучли бўлади.

**Плакат** - француз тилидан олинган, "эълон" маъносини англатади. Плакат тасвирий санъатнинг графика турига киради. Плакатлар кишилар ҳаётидаги энт мухим бўлган муаммоларнинг ечимиға қаратилади. Плакат гоявий ташвиқот ва тарғибот воситасидир. Масалан, тинчлик, экология, ОИТС каби муаммолар бу жанр учун ўта мухимдир. Плакатлар кўпинча катта ўлчамда ва рангли қилиб ишланади.

**Пластилинҳайкалтарошлиқда** ишлатиладиган маҳсус қоришина. У мум, лой каби моддалардан ташкил топади, хамирсимон бўлади. Пластилиндан ҳайкалтарошлар ҳайкалларнинг макетини тайёрлашда фойдаланадилар.

**Пластика** юонон тилидан олинган, "мулойим", "гўзал" маъноларини англатадиган ҳайкалтарошлиқка доир атама. Унга кўра, образлар бўрттирилган ҳолда ифодали қилиниб, уйғунлик қонунлари асосида яратилади.

**Пластик анатомия** - одам ва ҳайвонларнинг аъзоларини ўргатадиган фан. У одам ва ҳайвонларнинг тана тузилиши, мушакларининг шакли, ўлчамлари ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлигини ўргатади. Пластик анатомияни билиш медицина ходимлари, рассом ва ҳайкалтарошлар учун ниҳоятда мухим.

**Пленэр** - француз тилидан олинган, "очик жой, кенг кўриниш" маъноларини англатади. Кўпинча рассомлар ўз асарлари учун этюд, қоралама, рангламаларни пленэрда бажарадилар. Очик ҳавода этюд, қоралама, рангламалар ишлашдан мақсад кундузги табиат ва бошқа обьектларнинг шакллари, ранглари хақида аниқ тасаввур ҳосил қилишдан иборат.

**Подрамник** - рус тилидан олинган, суврат ишлаш учун мўлжалланган матони тараңг тортиб туришга хизмат қилувчи курилма. Улар туртта текис ёғочларни бир-бирига маҳкамлаш орқали тўртбурчак ёки квадрат шаклида тайёрланади.

**Портрет** - француз тилидан олинган, «тасвир», аникроғи "одам тасвири" маъносини англатади. Портрет тасвирий санъатнинг алоҳида бир жанри ҳисобланади. Портретда бир ёки бир неча шахс тасвири ишланиши мумкин. Уларда одамларнинг боши ёки белигача бўлган ёки тўлиқ қомати тасвирланади. Портретлар якка ва гурухли булиши мумкин.

**Постамент** - немис тилидан олинган, "таглик" маъносини англатади. Постамент ҳайкални кўтариб турадиган тўртбурчак ёки призма, цилиндр шаклида бўлади. Улар музей ва кўргазма залларида

ҳам намойиш этиладиган ҳайкал ёки амалий санъат буюмларининг тагига қўйилади.

**Пропорция** - лотин тилидан олинган, "муносабат" ёки "мутаносиблик" деган маъноларни англатади. У тасвирдаги ўлчамлар (бўйи, зни, қалинлиги, оч-туклиги, катта-кичиликлиги ва ҳоказо) ўртасидаги нисбатларни назарда тутади.

**Полиптих** - "кўп қисмли" ёки "бир неча қисмли" деган маънони англатади. Маълумки, дастгоҳли санъат асарлари икки қисмдан ташкил топса, «диптих», уч қисмдан иборат бўлса «триптих» деб аталади. Агарда ўша асарлар тўрт ва ундан ортиқ қисмдан ташкил топса «полиптих» деб юритилади. Шуни ҳам ҳисобга олиш лозимки, диптих, триптих, полиптих асарлари даги ғоялар ва мазмун ўзаро боғлиқ ва бир-бирининг давоми ёки тўлдирувчиси бўлади.

**Путти** - кўпинча Европа рангтасвири ва ҳайкалтарошлигига фаришталар рамзи сифатида кўлланиладиган қанотли гўдаклар тасвиридир.

**Пушти** - ранг номи. Оч зарғалдоқ ранг.

**Пуантилизм** - француз тилидан олинган, "нуқта" маъносини англатади. Бу йўналишдаги рассомлар ўз сувратларини маълум майда шаклдаги (нуқта, квадрат, доира ва ҳоказо) ранг доғлари ёрдамида ишлаганлар. Ҳозирда ҳам бу йуналишда ижод қиласётган рассомлар бор.

## P

**Ракурс** - одам, ҳайвон, манзара ва бошқа нарсаларнинг уфқ чизигидан анча юқори ёки пастдан туриб ишланган тасвири. Бунда тасвирланадиган нарсалар сезиларли даражада қисқариб қўринади.

**Ранглама** - қиска вақт ичидаги бўёклар билан ишланадиган хомаки расм.

**Рассом** - рангтасвир ва графика турида ижод қилувчи мутахассис.

**Ранглар тони** - бу уларнинг оч-туклиги даражасини англатади. Ранглар тони бўёкларнинг таркибидаги эритманнинг оз ёки кўплигига қараб белгиланади. Тўқ ранглар - қора, зангори, бинафша бўлса, оч ранглар - оқ, пушти, ҳаво рангдан иборат бўлади.

## C

**Салон** - тасвирий ва амалий санъатга доир материаллар, иш қуроллари, санъат асарлари сотиладиган дўкон.

**Санъатшунос**— санъат тарихи, назарияси ва унинг тараёқиёти бўйича тадқиқот олиб борувчи мутахассис олим.

**Сомонний** -ранг номи, сомон ранги, тилласимон ранг.

**Сангина** - лотин тилидан олинган, қонга ўхшаш маъносини анлатади. Сангина қалам шаклида, темир оксидли тупроқсимон моддалардан тайёрланади. Унинг қоғозга ёпишқоқлик хусусияти кучли булади. Рассомлар сангинадан хомаки расм ишлаш жараёнида кенг фойлаланадилар.

**Саноат графикаси** - саноатда қўлланиладиган реклама, ёрлик, эмблема, бланка, конверт, товар белгилари, этикетка, ўрам қоғозлари, қадоқ идишлари ва бошқаларни ифодалайдиган графика тури.

**Сарик-** ранг номи, момакаймоқ (қоқи ўт) гулининг ранги.

**Садаф** - ранг номи, ним сарғиш ранг, денгиз шиллик қурти чигонокларининг ички қисми ранги.

**Сепия** - жигар ранг бўёқ билан ишланган расм, тасвир.

**Силуэт** - бир рангда, ҳажмсиз қилиб ишланган расм. Уни сояли тасвир деса ҳам бўлади.

**Сиймоб** - ранг номи, симоб раигини эслатувчи ранг туси.

**Симметрия**- ушбу атама юонон тилидан олинган, "ўлчамдош" деган маънони англатади. Тасвирий санъатда тасвиirlанган образ, обьект ёки нарсанинг ўртасидан тик (вертикал) ўқ чизиқ ўtkазилганда, унинг чап ва ўнг томонлари ўлчам жиҳатидан бир-бирига тенг бўлса, у симметрик шакл ҳисобланади. Шунингдек, сувратнинг чап ва ўнг ёки юқори ва пастки қисмларидаги ўзаро тенглик ёки ўхшашлик ҳам симметрияни билдиради. Масалан, капалак симметрик шаклга эга. Симметрия ўқли ва марказий турларга бўлинади. Ўқли симметрияда симметрия ўқи битта бўлса, марказий симметрияда у бир нечта бўлиши мумкин.

**Совуқ ранглар** - ранг, тусларнинг кўриниши билан кишиларда совуқ таассуротларни уйготади, мовий, ҳаво ранг, зангори, бинафша ранглар шундай деб аталади.

**Соя** - нарсаларнинг ёруғлик тушмайдиган қисмида ҳосил бўлган кўриниш. Сояларнинг икки хили булади. Улар шахсий соя ва тушувчи соялар деб юритилади.

**Соус** - жигарранг тусга эга бўлган маҳсус аралашмадан тайёрланган қаламча шаклидаги рассомнинг иш қуроли. Унинг ўлчами 4-5 смдан ошмайди. Соусдан рассомлар кўпроқ хомаки ишларни бажариш жараёнида фойлаланадилар.

**Стек** - ҳайкалтарошлиқ асбоби. Стеклар ёгоч, металл ёки пластмасса материалларидан тайёрланади. Стекларни турли шакл ва

ўлчамдагилари бўлади. Стеклардан лой, ёғоч, мум ва пластилиндан ҳайкал ишлашда қўлланилади.

## Т

**Тарихий жанр** - тарихий вокиаларни тасвирловчи тасвирий санъат жанри.

**Тасвирий санъат** - борлиқда мавжуд ва мавжуд бўлмаган мавжудот, нарса ва ҳодисаларни тасвирловчи санъат тури.

**Темпера** - ушбу атама итальян тилидан олинган, бўёқ қориштириш маъносини англатади. Темпера сув билан эритиб ишлатилади. У кўпроқ биноларнинг безагида, рангтасвир ишларида кенг қўлланилади. Таркибида маҳсус моддалар бўлганлиги сабабли қуёш ва ёргул таъсирида ўз рангини ўзгартирмайди, узоқ вақтгача ўз тусини сақлаб қолади.

**Тушь** - қора сиёҳ. Шу восита билан ишланган асар ҳам баъзан «тушь» деб аталади.

**Түтиё** - ранг номи, ёрқин ялтирок яшил ранг.

**Тутигий** - ранг номи, зангори ва яшил буёқларнинг қўшилишидан ҳосил бўладиган ранг.

**Тулум** - ҳайвон, күш, балиқ кабиларнинг маҳсус материаллар ёрдамида ўзига ўхшатиб тайёрланган нусхаси.

## У

**Упаковка** - яъни, "урама" санъат графикасининг бир тури бўлиб, саноатда ишлаб чиқарилган моллар жойлаштириладиган маҳсус қадоклаш идишлари ва уларнинг устига ёзиб қўйиладиган маълумотнома.

**Уфқ чизиги** - (горизонт) юонон тилидан олинган, "чегаралаш" маъносини англатади. У кузатувчининг кўз баландлигига тасаввур этиладиган горизонтал (ётиқ) чизик. Очиқ кентгликларда у кузатувчи тасаввуридаги осмон билан ернинг кесишган жойидаги чизикини билдиради.

## Ф

**Фас** - (анфас) тасвирий санъатда расми ишланаётган мавжудот ва нарсаларнинг олд қўришидир.

**Флейщ** - катта ўлчамдаги ва кентгликдаги мўйқалам. Улар кўпинча бино ва маҳобатли рангтасвир ишларини бажаришда ишлатилади.

**Фреска** - девордаги қуриб улгурмаган нам сувоқ устига бўёқ билан ишланадиган тасвир.

**Фон** – лотин тилидан олинган "туб" "асос", "замин" маъноларини англатади. Тасвирий санъатда фон расмининг орқа қисмидағи тасвири ёки текис бўялган кисмидир.

**Феруза** - ранг номи, зангори, ёрқин, ялтирок тош ранги.

**Фронтиспис** - лотин тилидан олинган, олд томонни кўраман маъносини англатади. У китоб титул варагини чап, муқованинг орқа томонидаги безакли саҳифаси ҳисобланади. Фронтисписда одатда китоб муаллифининг расми ёки у ҳақда маълумот, китоб мазмуни, гояси билан боғлик иллюстрациялар берилади.

**Футуризм** – лотин тилидан олинган, келажак маъносини англатади ва мазкур ижодий оқим ўз мазмунига кўра, кубизмга яқин туради. Футуризм XX аср бошларида Францияда пайдо бўлган авангардизм оқими йўналишларидан бири ҳисобланади.

## X

**Хроматик ранглар** – ушбу атама юонон тилидан олинган, "ранг, бўёқ" маъноларини англатади. Улар қаторига оқ, қора, кулранг тусларидан ташқари, барча ранг туслари киради.

## Ч

**Чизикли перспектива** – нарсаларнинг кишилар кўзидан узоклашган сари ўлчамларида рўй берадган узтаришга, яъни, уларнинг қисқариб куринишига айтилади.

**Чукур фазовий композиция** – бундай композициялар асосан жамоа ва турар жой биноларининг ички қисмини, хусусан, йўлак, коридор, фойе, уй хонаси кабиларни лойиҳалашда, макетини ишлашда кўлланилади.

## Ш

**Шахсий соя** - тасвиrlанаётган нарсаларнинг сиртидаги ўз сояси.

**Шеду** - қадимги Шарқ, Олд Осиё хайкалтарошлигига учрайдиган тасвирии билдиради. Унда боши одам, танаси буқа кўринишидаги афсонавий маҳлук тасвиrlанади.

**Шингоб** - ранг номи, тилла рангига ўхшаш ранг.

**Шмуцтитул** - ушбу атама немис тилидан олинган, сарлавҳа, титул сўзларини ифодалайди. У китобнинг титул вараги ёки ҳар бир бобидан олдин қўйиладиган варакни англатади. Шмуцтитулда боб сарлавҳаси ва бадиий безаклар ҳам ифодаланади.

**Штрихлаш** - қалам ёки шу каби иш куроллари билан расм чизганда кўлланиладиган услуб.

## Э

**Экслибрис** - китоб ёки бирор ҳужжат, бирор шахснинг кутубхонасига тегишили эканлигини билдирувчи тамга. Унда шахсий кутубхона эгасининг исми ва фамилияси, шунингдек, бирор тасвирий белги бўлиши ҳам мумкин. Экслибрислар гравюра услубида тайёрланади.

**Экспозициян** - лотин тилидан олинган, курсатиш, намойиш этиш маъносини англатади. Тасвирий санъатда музей, бадиий кўргазмаларда санъат асарларини томошабинга намойиш этиш тушунилади.

**Экснонат** - лотин тилидан олинган, кўргазмага қўйилган деган маънони билдиради. Тасвирий ва амалий санъатда намойиш этилаётган асар тушунилади.

**Экспрессионизм** - лотин тилидан олинган, ҳиссий ифодалаш маъносини англатади. Ушбу ижодий оқим XIX аср бошларида адабиёт ва санъатда пайдо бўлди. Бу йуналишдаги рассомлар ижодида замонавий цивилизациянинг инқизори ва инсониятни ҳалокатга етаклаётган воеалар акс эттирилади. Шунингдек, уларда уруш ва инсонлар хуқуқини оёқ ости қилинишига карши мавзулар ва тасвирий воситалар кенг ишлатилади. Экспрессионизм оқимида ишланган рангтасвир ва график ишларда (карама-карши оч-тўқ, оқ-қора) ранг доғларининг кенг қўлланилиши асар ғояларини ёркин ифодалашга ёрдам берган.

**Эмблема** юон тилидан олинган, бирор ғояни шартли тасвирлаш маъносини англатади. Масалан, китоб тасвири маънавият ва таълим белгисидир.

**Эскиз** - француз тилидан олинган, хомаки тасвир маъносини англатади. Рангтасвирда у бўлғуси асарнинг кичик ўлчамдаги хомаки ишланган намунаси. Унда сурат композицияси, мазмуни, ранглари, асосий деталлари тасвирланади.

**Эстамп** - графикага доир мустақил асар. Улар гравюра услубида кўп нускада тайёрланади ва иш муаллиф - рассомнинг қўригидан утади. Зарур бўлган такдирда, уларга қисман тузатишлар киритилади, иш тагига рассомнинг шахсий имзоси кўйилади. Эстамплар оқ-қора ёки рангли бўлиши мумкин.

**Этюд** - француз тилидан олинган, "машқ қилиш" маъносини англатади. Этюд рассомни келажакда бирор асар яратишидаги, дастлабки тайёргарлик босқичидир. У тасвирий санъатнинг деярли

барча жанрларида ишлатилади. Бир суврат учун кўплаб этюдлар ишланиши мумкин.

**Этюдник** - рассомнинг иш қуроллари ва материалларини солиб юрадиган қутиси. Унда мўйқалам, бўёқ, қозоз, картон ва бошқа шу кабилар сақланади. Этюдник рассомга манзара, портрет, этюд ишлаганда, мольберт вазифасини ҳам ўтайди.

**Этикетка** - (ёрлик) графиканинг бир тури булиб, кўпинча, унда саноатда ишлаб чиқилган моллар ҳақида маълумотлар ёзилиб, этикетка маҳсулот устига ёпишириб кўйилади. Намойишга кўйилган ёки музейларда сақланаётган тасвирий санъат асарларининг ҳам этикеткалари бўлади. Этикеткаларда асарни яратган муаллифнинг исми-шарифи, унинг номи, яратилган йили, асар қандай материалдан ишганланлиги ёзиб кўйилади.

## Я

**Якуний безак** - бу атама китоб графикасига мансуб, унинг боб ёки фасллари, қисмларининг охирида бериладиган тасвир. У нақшли ёки мазмунли бўлиши мумкин.

**Ярим соя** - турли-туман мавжудот ва нарсалар танасидаги, шунингдек, уларнинг тасвиридаги ёргу ва соялари ўртасидаги қисми.

**Яшил** - ранг номи, тўқбарг ранги.

## У

**Ўзбекистои Халқ рассоми** - Ўзбекистон тасвирий санъатини ривожлантиришда кўплаб халққа манзур, юксак бадиий савияда асарлар яратишида кўрсатган катта хизматлари учун рассом ва хайкалтарошларга хукumat томонидан бериладиган унвон.

**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби** - Ўзбекистон санъати (мусиқа, театр, кино, меъморчилик тасвирий ва амалий санъат ва бошқа)ни ривожлантиришдаги катта хизматлари, кўплаб юкори бадиий савиядаги санъат асарларини яратганлиги учун санъат намояндаларига хукumat томонидан бериладиган унвон.

## Қ

**Қўшимча ранглар** - асосий ранглар ҳисобланган қизил, сарик, зангори, шунингдек, оқ ва қора ранглардан ташқари, барча ранглар.

**Қоралама** - қора қалам, ретушь, күмир, соус, сангина каби иш қуроллари билан тез ва қысқа вақт давомида бажариладиган хомаки расм.

## X

**Ҳайкалтарошлиқ** - тасвирий санъатнинг бир тури. Бунда одам, ҳайвон ва қушларнинг ҳажмли тасвири турли материаллар ёрдамида ишланади. Ҳайкалтарошлиқда кўпинчча тош, ёғоч, лой, гипс, металл ва шу каби материаллардан фойдаланилади. Унинг майдага пластика, терракота, дастгоҳли ҳайкалтарошлиқ, маҳобатли ҳайкалтарошлиқ, истироҳат боғи ҳайкалтарошлиги, декоратив ҳайкалтарошлиқ каби турлари бор.

**Ҳайкал** - ҳайкалтарошлиқ маҳсули бўлиб у лой, тош, ёғоч, кўмир, мум каби материаллардан ҳажмли килиб ишланади. Ҳайкалларнинг юмалоқ ва рельефли турлари бўлади.

**Ҳаворанг-** ранг номи, осмон ранги.

**Ҳажмли композициялар** - ҳайкалтарошлиқда амалий санъат ва меморликда қўлланилади. Бундай композициялар уч ўлчамли булиб, уларни ҳар томондан кузатиш мумкин.

**Ҳажм (рельеф) перспективаси** - ҳар қандай нарсалар киши кузидан узоклашгани сари фақат улчам, ранг жихатдан эмас, балки рельеф перспективасига дуч келадилар. Бунда предметлар ўз ҳажмини йуқотиб, юпқа бўлиб кўринади.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Р. Худойберганов. Рангшунослик асослари. Ўқув-услубий қўлланма. Т. 2006.
2. Р. Худойберганов. Рангшунослик ва композиция асослари. Ўқув-услубий қўлланма. Чулпон. 2019.
3. О. Юсупов. Рангтасвирда акварель билан ишлаш техникаси ва технологиялари. Ўқув -услубий қўлланма. Т. 2011.
4. С.А Абдуллаев. Рангтасвир. Ўқув-услубий қўлланма. Т. 2003.
5. А.Кальнинг. Акварельная живопись. Москва, "Искусство" 1964
- 6 . П.П. Ревякин. "Техника акварельной живописи". Москва 1959
7. Школа изобразительного искусства. 10 томлик, 1-6 томлар, Москва: "ИСКУССТВО" 1966.
8. СБОРНИК УПРАЖНЕНИЙ "ЦВЕТЫ". Автор тексты М.Феррон. Изд. "Белый город". М.2015.
9. Полный курс. Рисунка и живописи №28. Учредитель и издатель; ООО «ДжИ Фаббри Эдишинз».2007
10. Хейзл Гаррисон. "Рисунок живопись" Издательство "Эксмо". Москва 2011.
11. А.В. Виннер. Как пользоваться акварелью и гушью. Москва: "ИСКУССТВО" 1951
12. Ноел Грегори, Жамис.Хортон. Oil Painting: Step by Step. США. 2011йил.
13. Анита Хемртон, Жон Лоулин, Том Свимм, Каролин Симмерман. Oil Painting: Step by Step. США. 2004.
14. А.В. Виннер. Материалы живописи. Москва: "ИСКУССТВО" 1954.
15. П.Ф.И.Рерберг. Как научиться писать акварелью. Москва: "ИСКУССТВО" 1936.
16. А.Г.Пугаченкова, Л.И. Ремпель. Вмдаюшиеся памятники изобразительного искусства Узбекистана. Ташкент 1960.
17. Г.Б. Смирнов. Живопись. Москва. "Просвищение " 1975.

### Қўшимча адабиётлар

1. Узбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси. Тошкент ш., 2017 йил 7 феврал, ПФ 4947-сон Фармони.

2. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг құшма мажлисідаги нұтқи. Ш.М. Мирзиёев. -Тошкент: "Ўзбекистон", 2016 йил. 56 б.

### Интернет сайтлари

1. [/library.ziyonet.uz/uz/book/](http://library.ziyonet.uz/uz/book/)
2. [/library.ziyonet.uz/uz/book/](http://library.ziyonet.uz/uz/book/)
3. [/library.ziyonet.uz/uz/book/](http://library.ziyonet.uz/uz/book/)
4. [/art-exercises.ru/](http://art-exercises.ru/)
5. [/www.prostalogika.com /ru/](http://www.prostalogika.com/ru/)
6. [/www.art-creativity.ru/](http://www.art-creativity.ru/)
7. [/www.pinterest.de/pin/](http://www.pinterest.de/pin/)

**Р.Т.НОРЧАЕВ**

# **РАНГТАСВИР**

**фанидан**

**ҮКУВ ҚҰЛЛАНМА**

**Қайта ишланған ва тұлдирілған нашри**

**Мұхарріп *M. Талипова*  
Мусаххіқ *И. Тұрсунова*  
Саҳифаловчы *Б. Ҳайдаров***

Босишга рухсат этилди: 27.12.2020 й.  
Бичими 60x84 1/16 Офис қофози. Ризограф усулда.  
“Times” гарнитураси. Шартли босма табоғи 10,0.  
Нашр хисоб табоғи 9,8.  
Адади 100 нусха. Буюртма № 10-03.

«IMPRESS MEDIA» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Күшбеки, 6.

ISBN: 978-9943-14-752-2

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-14-752-2.

9 789943 147522